


ТАЙИНЛАНДИ



Подполковник Одил Иргашевич АТАХОДЖАЕВ — Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг биринчи ўринбосари лавозимига

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Президентимиз Қарши шаҳрида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизикди.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оксаройда Малайзия, Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Дато Норайни бинти Абд Ҳамид, Носир Бушерит, Винод Кумардан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

* * *

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилдилар.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашишнинг энг самарали йўллари билан бири иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, айрим ҳудудий комиссиялар фаолияти етарли самара бермагани, жабрланувчиларга тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди.

* * *

● Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Давлат сиёсатининг очқилиги ва ошқоралигини таъминлашда ОАВ ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятини ошириш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилиги ва ошқоралигини таъминлаш, ислохотлар жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти юксалишида жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Кўрик-танлов

ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Ҳар йили мамлакатимизда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Мазкур кўрик-танловнинг энг азиз, энг қутлуг айём – Мустақиллик байрами арафасида ташкил этилишида эса ўзгача рамзий маъно мужассам.

Мана, бир неча йилдирки, ИИБ тизимида ҳам «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда. Яқинда ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида танловнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда курсантлар ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар, билим юртида шартнома асосида хизмат қилаётган сержант ва оддий аскарлар иштирок этди. Улар томонидан ижро этилган Ватанга муҳаббат, юрт ишқи мавзусидаги куй-қўшиқларни

нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Иштирокчиларнинг ижро маҳоратига, кўшиқ матни ва мусиқасига алоҳида эътибор қаратилди. Эътиборли жиҳати, иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Танлов якунига кўра, ИИБ ТОҲТБЮ оркестри концертмейстери, шартнома асосидаги кичик сержант Асилхон Қодирхонов томонидан ижро этилган «Ўзбекмиз» номли кўшиқ биринчи ўринга сазовор бўлди. Оркестр мусиқачиси, шартнома



асосидаги оддий аскар Гофур Амиров томонидан ижро этилган «Ўзбекистон» номли кўшиқ иккинчи ўринга, муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Ўрозбек Эргашев томонидан ижро этилган «Посбонингман, Ватан!» номли кўшиғи учинчи ўринга муносиб деб топилди. Кўрик-танлов фойдалари ва фаол иштирок этган иштирокчилар билим юртининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик

совғалари билан тақдирланди.

Ўз ҳаётини масъулиятли ва шарафли хизмат билан боғлаган санъаткор ҳарбийлар иштирокида ижро этилаётган куй-қўшиқлар, ташкил этилаётган бундай тadbирлар ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусининг янада юксалишига ҳисса қўшаётгани билан аҳамиятлидир.

Ж. МУРОДОВ,
капитан.

Хабар

САФДОРЛАР ҚАСАМЁДИ

Республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида бошланғич тайёргарликдан ўтаётган сафдорлар таркиби қасамёд қабул қилди.

Тадбирни марказ бошлиғи, полковник У. Фаниев очар экан, қасамёд ички ишлар идоралари ходими зиммасига катта масъулият юклашни алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунинг учун улар бу шарафли номга муносиб ҳолда доимо сергаж ва ҳушёр туриб хизмат олиб боришлари, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зиммаларига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришлари, бу ерда олган билим-кўникмаларни хизмат жараёнида тўғри қўллашларига ишонч билдирди.

Курсантлар қасамёд қабул қилар экан, уларнинг ҳар бир сўзида, юз-кўзларида шижоат, қатъият яққол намоён бўлиб турарди. Ушбу тантанали тadbирда иштирок этган ота-оналар, курсантларнинг яқин қариндошлари уларнинг бу унутилмас онларига гувоҳ бўлиб, ўз ҳаяжонларини яшира олмади. Ота-оналар номидан Андижон вилояти Балиқчи туманидан А. Ҳакимов ва Наманган вилояти Норин туманидан Т. Охунова сўзга чиқиб, она-Ватан тинчлигини асрашга қодир фарзандни тарбиялаб вояга етказиш ҳар бир инсон учун улкан бахт эканлигини



фахр билан эътироф этди.

Ўз навбатида, курсантлар номидан сафдорлар А. Тожибоев ва С. Эшмўминов сўзга чиқиб, қасамёдга содиқ қолиб, билдирилган юксак ишонч, ҳуқуматимиз томонидан кўрсатилаётган барча ғамхўрликларга ўзларининг муносиб хизматлари билан жавоб беришга тайёр

эканликларини таъкидлашди.

Тантанали тadbирдан сўнг ўтказилган «Билимдонлар беллашуви» барчага содиқ қолиб, билдирилган юксак ишонч, ҳуқуматимиз томонидан кўрсатилаётган барча ғамхўрликларга ўзларининг муносиб хизматлари билан жавоб беришга тайёр

З. МАМАЮНСОВ,
сержант.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник А. Кулмонов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда «БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари» мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Унда Бухоро вилояти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси катта юриконсулти, майор Р. Садуллаев ҳамда Бухоро ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия катта лейтенанти Д. Турумбаев мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқ-

МУҲИМ МАВЗУ
ДОИРАСИДА

лари бўйича халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчилигимизга татбиқ этилиши, унинг амалдаги ижроси бўйича ҳам тўхталиб ўтишди. Қонунчиликдаги ўзгаришлар, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларга алоҳида урғу берилди. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофа-

за қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилиши борасидаги фаолияти, фуқароларнинг мурожаатлари, уларнинг конституцион ҳуқуқ ва бурчлари ҳам эътибордан четда қолмади. Инсон ҳуқуқларига доир Конвенция, Пакт ва бошқа халқаро ҳужжатлар ҳамда анъанавий принциплар асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилди.

Элёр ГАФФАРОВ,
капитан.
Бухоро вилояти.

Кулайлик

МАРКАЗДА ЯНГИ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ



Ходимларни ҳар томонлама етук, юксак жисмоний тайёргарликка эга қилиб тарбиялаш борасида республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан самарали ишлар қилинмоқда. Хусусан, ИИБ таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, алоҳида эътирофга лойиқ.

Масалан, республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида таълим олаётган осойишталик посбонларининг билим ҳамда кўникмаларини оширишлари учун

барча шароитлар яратилган. Айни пайтда қўриқлаш, жазони ижро этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича малака ошириш ҳамда бошланғич тайёргарликдан ўтаётган тингловчи ва курсантлар кенг, шинам ўқув хоналари-



да таҳсил олмақда. Барча ўқув-методик хоналар қайта таъмирланиб, замонавий техника воситалари билан таъминланганлиги ходимларга назарий билимлар билан бирга амалий кўникмаларни ҳам шакллантиришда муҳим омил бўляпти.

Яқинда марказда қуриб, фойдаланишга топширилган руҳий-жанговар тайёргарлик майдончаси ҳам ана шу самарали ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Унинг очилиш маросимида ички ишлар идоралари фахрийлари, таниқли санъаткорлар ва сўз усталари иштирок этди.

Тадбирни марказ бошлиғи, полковник Х. Дўсмаатов очиб, мазкур спорт майдони таълим олувчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида барпо этилганини қайд этди. Шундан сўнг тадбир муносабати билан ташкил қилинган мусобақага старт берилди.

Тингловчи ва курсантлар руҳий-жанговар тайёргарлик майдончасида тўсиқлардан айланиб ўтиш, ётган ҳолда судралиб ҳаракатланиш, девордан сакраш, пневматик қуролдан нишонга ўқ отиш ва бошқа шартлар бўйича беллашиб, ўзларининг эпчил ва чаққон эканини намойиш қилишди. Ҳакамлар ҳайъати шартларни баҳолагунга қадар эл ардоғидаги санъаткорлар ижросида дилрабо куй ва кўшиқлар янгради.

Якуний натижалар бўйича кичик сержант Баҳодир Латипов биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Кичик сержантлар Дилмурод Бийтўраев ҳамда Анваржон Раҳимов иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди. Голибларга дипломлар тантанали тарзда топширилди.

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ,
сержант.
Шавкат КАҲҲОРОВ
олган суратлар.

«ҒАЛЛА – 2015»



Йил давомида деҳқон-фермерларнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ғалла ҳосилини ёнғин хавфидан сақлаш, манзилга беталафот етказиш, ўғрили ва талон-тарожликка йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этишмоқда. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари ходимлари ҳам белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида иш юритишяпти.

— Ўрим-йиғимга жалб этилган 200 та комбайн бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган. Шунингдек, ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган агрегат ва қурилмалардаги нуқсонларни жойлардаги машина-трактор

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

парклари мутахассислари томонидан ўз вақтида бартараф этиш назоратга олинган. Корхоналарда тузилган кўнгилли ёнғин ўчириш отрядлари билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг касбий-жанговар ва жисмоний тайёргарликларини ошириш, объектнинг тактик тавсифини ўрганиш, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш бўйича ўқув-тактик машғулотлар ўтказилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник Е. Турдимуратов.

Далалардаги мўл-кўл ҳосилни кўрган кишининг ҳаваси келади. Ана шу ғалла ҳосилини қисқа вақтда, талафотларсиз ўриб-йиғиб олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз натижасини беради.

Файратдин БЕРДИБАЕВ,
журналист.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Қашқадарё вилоятида ҳам ғалла ўрим-йиғими авж паллага кирган. Миришкор деҳқонлар етиштирган мўл



Суратда: Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан Ш. Келдиев «Феруза» фермер хўжалиги ишчилари билан профилактик суҳбат ўтказмоқда.

ҳосилни қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олиш ишлари барча туманларда уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Айни кунда Косон туманидаги «Феруза» фермер хўжалиги далаларида ҳам иш қизгин кечаётир. Икки-та комбайн унум билан ишламоқда. Ўрилган ғалла ҳосилини пешма-пеш дон қабул қилиш пунктига ташиниш учун техникалар шай ҳолатда турибди. Ғаллани ўриш, юклаш, ташиш, дон қабул қилиш пунктларига топшириш жараёнида ёнғин хавфсизлигига роя

этилиши тўлиқ назоратга олинган.

— Бироз эҳтиётсизликка йўл қўйилса ёки хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаса, кичкина учқундан бутун ғалла майдони хавф остида қолиши мумкин. Шунинг учун комбайнчилар, ҳайдовчилар, ишчи-хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан маълумот берилмоқда, — дейди вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан Ш. Келдиев.

Соҳибжамол АМИНОВА.
Қашқадарё вилояти.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АВИАҲАЛОКАТ

Ҳарбий-транспорт самолёти Бунгуран оролидаги ҳарбий базадан учиб келаётган пайтда ҳалокатга учради. Ҳаво кемаси Индонезиянинг Медан шаҳридаги меҳмонхона ҳамда унинг яқинидаги турар жойлар устига кулаб тушди. Унинг бортида 113 нафар одам бўлган. Тахминларга кўра, уларнинг барчаси ҳалок бўлган. Авиаҳалокат қурбонларининг сони ошиши мумкин. Чунки атрофда қанча одам жабр кўрганлиги ҳозирча номаълум.

ВУЛҚОН УЙҒОНДИ

Гватемаладаги Фуэго номли вулкон уйғонди. Шу сабабдан ҳокимият вакиллари яқин атрофда яшайдиган аҳолини хавфдан огоҳлантирди. Вулкон мамлакат пойтахтидан 50 километр узоқликда жойлашган. Тез орада унинг яқинидаги ҳудудларга кул ёғилиши кутилмоқда. Фуэго Марказий Америкадаги энг фаол вулконлардан бири ҳисобланади.

ҚОТИЛ РОБОТ

Маълумотларига қараганда, Германиядаги заводлардан бирида робот ишчилардан бирини ўлдириб қўйди. Воқеа қуйидагича юз берди. Кассел шаҳрилик 21 ёшли механик механизмларни таъмирлаш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган. Шу сабабдан бўлса керак, робот ишчига ташлаиб қолган. Олган жароҳати оғирлиги туфайли механик ҳаётдан кўз юмган. Концерн маъмурияти тергов ҳаракатлари давом этаётганини рўқач қилиб, содир бўлган воқеа юзасидан ҳеч қандай изоҳ бермаган.

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Маълумки, 2015 йилнинг 26 июнида Туниснинг Сус шаҳри яқинидаги пляжда террорчилик ҳаракати содир этилган, оқибатда қирққа яқин фуқаро қурбон бўлган, тахминан яна шунча одам жароҳатланган эди. Яқинда ушбу хунрезликка алоқадор деб гумон қилинаётган 12 киши қўлга олинганлиги эълон қилинди. Яна икки нафар киши қидирилмоқда.

ҚУРБОНЛАР БОР

Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур автоном туманида рўй берган зилзила оқибатида камида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Бундан ташқари, яна 20 нафар фуқаро турли даражада жароҳатланган. Жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Ер ости силкинишлари 6,5 баллни ташкил этди. Зилзила маҳаллий вақт билан эрталаб соат 09.07 да юз берган.

ТАХМИНЛАРГА ҚАРАГАНДА...

Филиппиннинг Лейте провинцияси яқинида йўловчи ташиш пароми ағдарилиб кетди. Оқибатда 36 киши ҳалок бўлди. 129 нафар фуқаро кутқариб қилинди. Яна 21 нафар одамнинг тақдири ҳозирча номаълум. Кутқарув ишлари давом этмоқда. Баъзи тахминларга қараганда, паромнинг ҳалокатга учрашига кучли тўлқин сабаб бўлган. Бошқа тахминлар ҳам бор.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Амалиёт

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тингловчилар масъулиятни ҳис қилган ҳолда турли тадбирларда фаол иштирок этиб, мураббийлар ишончини қозонмоқда. Нилуфар Жаниева, Саодат Ҳақбердиева, Комрон Сафаров, Саидбек Нарзуллаев, Акмал Бахриддинов каби тингловчилар интилишлари ва тиришқоқлиги билан бошқа тенгдошларига ўрнатилган бўлмоқда.

— Олмазор тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 205-милиция таянч пунктида амалиёт ўтаётган, — дейди тингловчи Арслон Раббимов. — Одамлар билан муомала қилиш, ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар орасида ички ишлар идоралари ходимининг об-

рўсини кўтариш, улар ишончини қозонишда нимага аҳамият қаратиш лозимлигини мураббийим, профилактика катта инспектори, майор Улуғбек Абдулазимовдан ўрганишман. Мазкур ҳудудда 4200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида вояга етмаганлар кўпчилигини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, профилактика инспекторидан ёшлар ўртасида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Бунга эришишда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик аниққисса, муҳимдир.

Бўлғуси осойишталик посбонлари юрт тинчилиги ва осойишталигини таъминлаш нақадар улуг, шарафли



вазифа эканини янада чуқур ҳис этишмоқда. Уларнинг эртага юрт тинчилигини асраш йўлида мустақил хизмат фаолиятини олиб боришда бу ерда ўрганганлари асқотиши, шубҳасиз.

**Шерзод
АБДУСАМАДОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.**

Айни кунларда республика ИИБ Академиясининг 3-ўқув курси тингловчилари ҳам мамлакатимиз ички ишлар идораларида иш ўрганиш амалиётини бошлаб юборишди. Шу муносабат билан **Қорақалпоғистон Республикаси** Ички ишлар вазирлигида уларнинг ота-оналари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний»

жамғармаси ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, подполковник Д. Хусаинов, истаъфодаги подполковник Н. Таумуратов, ИИБ Академияси кафедра бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Чутбаев сўзга чиқиб, юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари хо-

димлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритишди.

Учрашувда аъло баҳолаб ўқиб, намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнатилган тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг миннатдорлик хатлари ҳамда Фахрий ёрликлари тантанали равишда топширилди.

Г. БЕРДИБАЕВ.



А. ПАХРАТДИНОВ олган сурат.

Жуманазар АНОРОВ.

Ғамхўрлик – 2015

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини кўнглили ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Вилоятда болажонларнинг оромгоҳларда мазмунли дам олишини таъминлаш баробарида, уларнинг билим ва кўникмаларини, жисмоний қобилиятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ФАРҒОНАНИНГ СЎЛИМ ГЎШАСИДА

Фарғона туманининг сўлим гўшасида жойлашган Т. Сотиболдиев номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган 350 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ҳордиқ чиқармоқда. Уларга барча шароитлар яратиб берилган. Ақлий ва жисмоний салоҳиятларини юксалтириш учун турли тўғараклар ишлаб турибди.

Туман ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи

инспектори, капитан Аҳроржон Абдурахмонов, вилоят ИИБ ЁХБ 16-ҲҲХК экипаж командири, катта сержант Ўткирбек Ҳожиев ҳар куни болажонлар ҳузурда. Улар ёшлар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш билан бирга, куну тун навбатчилик ташкил қилиб, оромгоҳда хавфсизлик ва осойишталикни таъминламоқдалар.

— Ўқувчи-ёшларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш йўлида олиб бораётган тадбирларимизда вилоят ички ишлар бошқармаси ва туман ИИБнинг масъул

ходимлари бизга яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари С. Михель. — Улар ёшлар ўртасида тарбиявий тадбирларни ташкил этишимизда яқиндан кўмаклашаёпти.

Бўрибой ОМОНЗОДА.
Фарғона вилояти.

Суратда: Фарғона тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ёрқинжон Абдурашулов оромгоҳ бош тарбиячиси Гулшаной Маҳмадова, вилоят ИИБ ЁХБ ходими, катта сержант Ўткиржон Ҳожиев ҳамда болалар билан суҳбатлашмоқда.

«101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада республикаимиз ҳудудида 284 та ёнғин содир бўлди. Бу ёнғинларда беш нафар фуқаро тан жароҳати олгани қайд этилди. 3,4 миллиард сўмлик қурилиш материаллари ва 3,75 миллиард сўмлик моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинди.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида яшовчи К. Фуломовнинг хонадонидан содир бўлган ёнғин натижасида унинг том қисми ва ҳовлида турган «Spark» русумли автомобиль ёниб зарарланган. Ёнғин ёш болаларнинг шўхлиги оқибатида рўй берган.

Ўчоқни ёқиб, назоратсиз қолдириш пойтахтимизнинг **Яккасарой туманида** яшовчи фуқаро И. Муқимовнинг хонадонидан ёнғин чиқишига сабаб бўлган. Натижада молхонанинг том қисми ёниб кетган.

Жиззах туманида яшовчи Г. Қудратовнинг хонадонидан электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, унинг 265 кв. метр ҳамда кўшни уйнинг 20 кв. метр майдонда том қисмларига зарар етган.

Электр симларининг қисқа туташуви **Фарғона вилояти**нинг Риштон туманида яшовчи А. Бакировнинг хонадонидан рўй берган ёнғинга ҳам сабаб бўлган. Натижада унинг томи, шифт қисми ва уй жиҳозлари ёниб зарарланган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ёнғинлар асосан бепарволик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш, газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш, электр симларининг яроқлилик мuddатини текшириб туришни эслатиб ўтаемиз.

Жалолiddин ҲАКИМОВ,
майор.

Юксак мукофот соҳиблари



СПОРТГА ОШНО ХОДИМ

Сирдарё шахрида яшовчи **Ф. Латофатнинг** уйига номаълум шахслар кириб, сейфда сақлаётган ўн минг АҚШ доллари, ўн миллион сўм ва ўн беш миллион сўмлик тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетади. Воқеа жойига вилоят ИИБ АВБСО ходимлари ҳам етиб келади. Ўғриликни содир этган тўрт нафар шахснинг кимлиги аниқлангач, ички ишлар ходими уларни қўлга олишга киришишди. Гумон қилинувчилар

дастлаб қаршилик кўрсатишди. Жисмонан чиниққан, спортчи ва эпчил сержант **Б. Маманов** чаптастик кўрсатиб, уларнинг қаршичилигини синдирди.

Вилоят ИИБ АВБСО катта мухассис ҳайдовчиси, сержант Ботиржон Маманов шу соҳада хизмат қилаётганига анча бўлди. Ўтган йиллар давомида кўплаб тадбирларда иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларнинг хавфсизлигига раҳна солмоқчи бўлган, ўғрилик, босқинчилик, талончилик

жиноятлари содир этган кўплаб шахсларни қўлга олишда фаоллик кўрсатди.

– Тақдир мени ота-онамдан эрта жудо қилган, – дейди сержант Б. Маманов. – Бувимнинг қўлларидан тарбия топдим. Болалигимдан бувижоним йигитлар соғлом, бақувват бўлиши керак дея уқтирдилар. Мактабда

спорт билан шуғулланишим учун ўзлари мураббийлар қўлига топшириб, машғулотларга қандай иштирок этишим билан қизиқардилар. Кураш, қўл жанги бўйича шуғулланиб, туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этганимда севиhib, кўзларида ёш билан кутиб олардилар.

– Ҳарбийлар, ички ишлар идоралари ходимларига ҳавасим келарди, – деди Буанбар ая биз билан суҳбатда. – Ботиржоним туғилганида, албатта уни ана шу шунқор йигитлар қаторида кўраман, дея орзу қилгандим. Ниятимга етдим. Неварагинам армия сафидан қайтгач, ички ишлар идорасига хизматга киришга қарор қилганида жуда суюндим. Юрт тинчилигини сақлаш жуда савобли

иш, омадингни берсин дея оқ фотиҳа бердим. Болагинам орзуимдагидек паҳлавон бўлиб вояга етди.

Б. Маманов муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келгач, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида тахсил олди. Ўқишни битириш арафасида унга вилоят ИИБ АВБСОда хизмат қилишни таклиф этишди. Спорт билан шуғулланишга кўпроқ вақт ажратиладиган бу хизматга ўтган Ботиржон тиришқоқлиги, бир ишни бошласа, охирига етказмагунча тинчмаслиги учун ҳам жамоада тезда хурмат қозонди.

– Устозларим, подполковник Алишер Рустамов ва майор Камол Мисировдан миннатдорман, – дейди у. – Ички ишлар соҳаси идорасида хизмат қилишни

авваллари осон, деб ҳисоблардим. Лекин ҳеч бир ишнинг осон бўлмаслигини фаолиятим давомида билдим. Ҳар гал қийинчиликка дуч келганимда устозларимдан маслаҳат олиб, уларнинг ёрдамидан баҳраманд бўламан.

Ботиржоннинг ўзини ҳам бугун ёшлар орасида устоз, дейдиганлар бор. Табиатан билмаганини сўрашдан ийманмайдиган, билганларини ўзгаларга ўргатишдан эринмайдиган бу йигит ёш ходимларга айниқса, спортнинг кураш, самбо, қўл жанги турларини ўзлаштиришларида яқиндан ёрдам берапти.


Сержант Ботиржон Мамановнинг Ватан олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, Президентимиз Фармони билан тақдирланди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Сирдарё вилояти.

Умидли ёшлар

ДОИМО ИЗЛАНИШДА

Ургут Самарқанд вилоятининг сўлим гўшаларидан. Ушбу тоғли туман Тожикистон билан чегарадош. Ички ишлар идоралари ходимлари худудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бугун улардан бири – профилактика инспектори, лейтенант **Мақсуд Олимов** ҳақида ҳикоя қиламиз.



Мақсуд Олимов ёш бўлишига қарамай, профилактика хизматининг энг маҳоратли вакиллари билан бири саналади. Унинг фаолияти давомида Сўфиён ва Чорчинор маҳаллаларида бирорта ҳам оғир турдаги жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ҳуқуқбузарликлар сони кескин қисқарди. Бунга маҳаллий аҳолининг хурмати ва ишончини қозонганлиги туфайли эришди. У жудаям ҳаракатчан. Ўз маҳоратини ошириш устида доимо изланади. Ҳар бир оиланинг қувончу ташвишларидан хабардор.

Балки, шу маконда туғилиб, вояга етгани учун бўлса керак, қишлоқдошларининг турмуш тарзини, феъл-атворини яхши билади. Отаси Нормажамат ака бир умр деҳқончилик билан шуғулланган. Онаси Меҳринос опа фарзанд тарбияси

билан банд бўлган. Ўзининг ҳам суяги меҳнатда қотди.

Мақсуджон бошқаларнинг муаммоларини ўз муаммосидек юрагига яқин олади. Шунинг учун одамлар унга ишоннашади, суянишади, юракларини очишади, турли масалаларда мурожаат этишади. М. Олимов ҳеч қачон панд бермайди. Доимо бошлаган ишини охиригача етказди. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. Инспекторнинг фаолиятида турлича воқеалар юз бериб туради. Уларнинг ҳаммаси ҳақида ёзадиган бўлсангиз, бутун бошли китоб бўлади. Бу воқеа Сўфиён маҳалласида юз берди. Маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Р. Шокированинг хонадонидан нарсалар йўқолиб қола бошлади. Хонадон соҳиблари бу ҳақда ички ишлар идо-

расига хабар беришга шошилишмади. Аввалига ўзлари кузатиб юришга қарор қилишди. Оила бошлиғи кўздан пана жойга видеокамера ўрнаттирди. Кўп ўтмай уйдаги янги телевизорни ўғирлаб кетишди.

Шундан сўнг уй эгалари профилактика инспектори, лейтенант Мақсуд Олимов билан бирга видеокамера тасвирини кўздан кечиришди. Не кўз билан кўришсинки, телевизорни уйларида рўзғор юмушларига кўмаклашгани келиб турадиган қариндошлари ўғирлаб кетган эди. Лейтенант Мақсуд Олимов суриштириб кўрганида, аёл моддий қийинчиликлар туфайли шу ишни қилганини айтди. Қариндошлари «Қийналганингни айтганимда, шундоқ ҳам кўлимиздан келганча ёрдам берган бўлардик», деб уни қўйишди.

Инспекторнинг хизмат худудида етти минг нафарга яқин фуқаро истиқомат қилади. Улар орасида муқаддам судланганлар, профилактик ҳисобда турадиганлар ҳам бор. Хуллас, қиладиган ишлари етарли.

– Мақсуджон билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз, – дейди Чорчинор маҳалласи оқсоқоли Жамшид Ражабов. – Ҳар куни бирга маҳалла айланамиз, тоғ бағридаги хонадонлар ҳам эйтиборимиздан четда қолмайди. Аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борамиз. Профилактик суҳбатлар ўтказамиз. Биргаликда ҳаракат қилганимиз учун маҳалламизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда.

Лавҳамиз қаҳрамони умр йўлдоши Шалолахон билан бирга икки фарзандни вояга етказишмоқда. Улар ҳам келажақда ота изидан боришса не ажаб.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.

Самарқанд вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, лейтенант М. Олимов Чорчинор маҳалласи оқсоқоли Ж. Ражабов билан бирга паспорт тартиботини текширмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Ибрат

ОРЗУСИ УШАЛГАН ЎҒЛОН

Баъзан болаликда қилинган орзу ҳаётдаги асосий мақсадга, умрнинг мазмунига айланади. **Фазлиддин ҳам ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди.**

– Бунинг учун жисмонан бақувват, билимли ва иродали бўлишинг керак, – дерди отаси унга.

Фазлиддин кураш тўғрисида қатнашар, ҳар томонлама мукамал бўлишга интилиб, ўз устида мунтазам ишларди. Орадан йиллар ўтиб эзгу орзусига эришган ўғлон айти дамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник А. Қулмонов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда хизмат қиляпти. У масъулиятли вазифаларни бажаришда устозларидан ўрганган тажриба ва амалий кўникмаларига таянади. Сабрбардошлилиги, тиришқоқлиги, интилувчанлиги туфайли ҳар қандай топшириқни ўз муддатида удралайди.

– Фазлиддин интизомли, интилувчан ва қатъиятли ходимларимиздан бири, – дейди ҳарбий қисм гуруҳ командири, катта сержант Соҳиб Кароматов. – У жамоат ишларида, айниқса, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказиладиган кураш, югуриш ва спорт тўсинида тортилиш каби спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу боис ҳам жамоамизда обрў-эътиборга эга. Қолаверса, ўзига бириктирилган «Рей» лақабли хизмат ити билан доимий равишда амалий машғулотлар олиб борапти.

Ходимнинг фидойилиги ижобий натижалар қўлга киритилишида муҳим омили бўлмоқда. Масалан, яқинда республика ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг кинолог мухассислари ўртасида ўтказилган кўпкураш мусобақасида илк бора қатнашиб, «Из бўйича иш-



лаш» турида учинчи ўринни эгаллади. Унга ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони томонидан медал ва Фахрий ёрлик тантанали равишда топширилди. У хизмат қилаётган ҳарбий қисм эса умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Бундай ютуққа эришишда, албатта Фазлиддиннинг устозлари, катта сержант Соҳиб Кароматов ҳамда нафақадаги сержант Муҳриддин Умировнинг ҳиссаси катта. Улар ўзларидаги бор билим ва тажрибаларини ўргатиб, унинг етук мухассис бўлишига ёрдам беришган.

– Кимки яхши ният қилиб, мақсад сари дадил қадам ташласа, албатта, орзусига етишар экан, – дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фазлиддин Рўзиев. – Бунга ўз ҳаётимда эришган ютуқларим орқали ишонч ҳосил қилдим. Шу боис ҳам ҳеч қачон меҳнатдан, интилишдан тўхтамайман. Келажақда янада улкан ютуқларни қўлга киритиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Осойишталигимиз посбонлари сафида шундай интилувчан, ўз касбининг фидойилари қанча кўп бўлса, армиямиз шунчалик кудратли ва мустақкам бўлиб бораверади.

Мирзокул АҲАДОВ.

Бухоро вилояти.

Суратда: оддий аскар Фазлиддин Рўзиев ўзига бириктирилган «Рей» лақабли хизмат ити билан амалий машғулот ўтапти.

Муаллиф олган сурат.

ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ

Апрель ойининг ўрталари эди. Профилактика инспектори, лейтенант Фарҳодбек Зокиров милиция таянч пунктида ҳужжатлар устида ишлаб ўтирганди. Шу пайт бир гала болалар хонасига ҳовлиқиб кириб келишди. Улар эрталаб мактабга боришаётганида «Савай ариқ» канали қирғоғида бир эркак кишининг жасади ётганлигини кўриб қолишганини айтишди.

Профилактика инспектори дарҳол воқеа жойига етиб келди. Буни қарангки, ҳалиги эркак ҳали тирик экан. У зудлик билан фельдшерлик пунктига етказилди. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилгач, ҳушига келди.

– Маълум бўлишича, каналда бизнинг худудимизгача оқиб келган «меҳмон» Қирғизистон фуқароси экан. У Ўш вилоятининг Қорасув туманида яшаркан, – дея ҳикоя қила бошлади лейтенант Ф. Зокиров. – Айтишига қараганда, қизининг тўйида анчагина ичган. Кайфи ошиб қолгач, канал бўйига тоза ҳавода сайр этгани чиққан. Боши айланиб, беҳосдан шалоп этиб сувга тушиб кетган. Бошқа ҳеч нарсани эслай олмади.

Шахсини аниқлаш учун у вилоят ИИБ иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахсларни ре-

билитация этиш марка-зига жўнатилди. Бир неча кун ичида унинг ҳақиқатан ҳам қўшни мамлакатнинг Ўш вилояти Қорасув туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи 53 ёшли М. Жуманиёз эканлиги аниқланди. У амалдаги тартиб-қоидаларга биноан ўз юртига юборилди.

Лейтенант Ф. Зокировнинг хизмат худудида тўрт мингдан зиёд аҳоли яшайди. Катта ёшлиларнинг асосий қисми фермер хўжаликларига меҳнат қилишади. Болалар умумтаълим мактабида ўқишади. Бирлик маҳалласи чегара худудда жойлашган. Бу янада масъулиятлироқ ва ҳушёрроқ бўлишни талаб этади.

Ф. Зокиров маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаббатхон Мадаминаова ва «Маҳалла посбони» жамоат тузил-



маси раҳбари Тожиддин Маҳкамбоев билан бирга тез-тез ҳовлимаҳовли айланади. Шу тариқа паспорт-виза тартиботига риоя этилишини назорат қилишади, аҳоли ўртасида профилактик суҳбатлар ўтказишади, аниқланган муаммоларни ҳал этишади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ жорий йилнинг ўтган даври ичида маҳалла худудида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

– Лейтенант Фарҳодбек Зокиров ёш бўлишига қарамай нисбатан қисқа вақт ичида соҳасини пухта ўрганди, – дейди Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Валижон Қосимов. – Бунда устозни профилактика катта инспекто-

ри, капитан Яҳёжон Холдоралиевнинг хизмати катта бўлди. Қолаверса, ўзининг ҳам интилувчанлиги, уқувлиги асқотди.

Бугунги кунда маҳаллаларимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни профилактика инспекторларисиз тасаввур этиш мушкул. Улар жамоатчилик вакиллари билан қўлни қўлга бериб, фидойилик кўрсатиб ишлашмоқда. Натижада аҳолининг ишончи ва ҳурматини қозонишарди. Буни лавҳамиз қаҳрамонининг фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Борис КЛЕЙМАН.

Андижон вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, лейтенант Фарҳодбек Зокиров хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

Гулистон шаҳрида яшовчи Д. Бегимқулова шаҳар ИИБга мурожаат этиб, кундузи ҳеч ким йўқлигида кимдир унинг хонадонига кириб, бир ярим миллион сўмлик тилла тақинчоғи ва «Артел» русумли телевизорини ўғирлаб кетганини баён этди. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида воқеа жойига етиб келган кинолог, сержант Ваҳоб Йўлдошев «Агат» лақабли итига буйруқ берди. Тўрт оёқли кўмакчи из олиб, ходимларни тўғри қўшни кўчада яшайдиган Ж. Элдорнинг уйига олиб борди. Бу ердан ўғирланган телевизор ва тилла тақинчоқ топилди.

КЎМАКЧИЛАР ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, кейинги йилларда Сирдарё вилоятида содир этилган жиноятларни очиш, айбдорларни аниқлашда кинологлар ва хизмат итларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Итлар яхши парваришланиб, хизматга ўргатилаётгани, бунда илгор тажрибalar қўлланилаётгани кутилган натижаларни бермоқда. Бу борада вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати ходимлари томонидан барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.



Ҳозирги кунда кинология хизматида саксонта хизмат ити бор. Улар асосан из-қидирув, гиёҳвандлик моддалари, портловчи моддалар, ўқ-дориларни топишга, антитеррор ва қўриқлов хизматида ўргатилган. Йилнинг ўтган даврида кинолог ходимлар икки юз мартадан кўпроқ тергов-тезкор гуруҳлари билан бирга воқеа жойларига чиқиб, бир юз ўттизга яқин жиноятларни фош этишди. Тўрт оёқли кўмакчилар ёрдамида асосан ўғрилик, талончилик, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар очилди, ноқонуний сақланаётган бешта ўқотар қурол аниқланди.

– Жониворларни хизматга ўргатишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати бошлиғи, катта лейтенант Эшмирза Султонов. – Хизмат итлари питомнигида белгиланган режа асосида кинологлар итлари билан ўқув курсларида қатнашишади. Шу йил бошида 21 нафар кинолог ходим ва уларга бириктирилган 33 та хизмат ити ўқув курсларига жалб қилинди. Улар учун умумий ва махсус йўналишлар бўйича машғулотлар ташкил этилди.

Кинологларимиз вилоят худудида ўтказилаётган оммавий тадбир, байрамлар олдидан жойларни текширувдан ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Вилоятдаги «Сардоба», «Гулистон» ва «Сирдарё» ЙПХ масканлари ҳамда «Чинобод» милиция блок-постида кинолог ходимлар куну тун хизмат итлари билан биргаликда автотранспорт воситалари ва йўловчиларни назоратдан ўтказишда иштирок этишарди. Бу постларда асосан гиёҳвандлик ва портловчи моддаларни қидириб топишга ўргатилган итлар хизматидан фойдаланилмоқда.

– Ҳар бир кинолог ва хизмат итининг кунлик хизмати юзасидан назорат ўрнатилган бўлиб, амалга оширилган ишлар таҳлил қилиб борилади, – дейди катта лейтенант Э. Султонов. – Бундан ташқари, жониворларнинг зотлилик даражасини ошириш учун ҳам ҳаракат қиляпмиз. Шу йилнинг ўзида жаҳон кинологиясида энг самарали ҳисобланган битта немис овчаркаси ва иккита лабрдор-ретривер зотли итлар сотиб олинди. Жониворни парваришлаш ва уларга ветеринария хизмати кўрсатиш ҳам доимий эътиборда.

Шу ўринда хизматда ҳар жиҳатдан ҳамкасбларига ўрнатилган кинолог ходимларни кўрсатиб ўтиш жоиз. Сержант Ваҳоб Йўлдошев, сафдорлар Фолиб Арслонов, Фарҳод Қўзибеков ва Мирзоҳид Мелиев ўзларига бириктирилган хизмат итлари ёрдамида кўплаб жиноятларни очиб, ибрат кўрсатишмоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Сирдарё вилояти.

Муаллиф олган сурат.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...




Бухоро вилоятининг Когон туманида яшовчи Ж. Меҳринисо тамадди қилиш мақсадида «Тўқимачи» бозори олдидаги сомсахонага келиб, қўлидаги сумкасини стол устига қўйди. Кутилмаганда нотаниш бир кимса

пайдо бўлиб, ичида 50 минг сўм пули ва бошқа нарсалари бўлган сумкани олиб қочди.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар туфайли талончи – шу туманда яшовчи М. Усмонли кўп вақт ўтмасдан қўлга олинди. Айна пайтда унинг қилмишига тергов жараёнида ойдinлик киритилмоқда.

ШУМ НИЯТЛИ ЙЎЛОВЧИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи М. Ўлмас ўзига тегишли «Spark» автомашинасида кетаётганида унга бир йўловчи қўл кўтариб,



Фазалкент шаҳригача олиб кетишни илтимос қилди. Ҳайдовчи рози бўлгач, улар биргаликда йўлга тушишди. Бироз ўтиб, йўловчининг ҳақиқий нияти ошкор бўлди: у Ҳайдовчига тигли

жисм билан таҳдид қилиб, юзига жароҳат етказди. Кейин 250 минг сўм пулини олиб, воқеа жойидан яширинди.

Жабрланувчининг мурожаати асосида туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув, суриштирув тадбирлари натижасида шу туманда яшовчи Б. Нусратилло гумон қилиниб қўлга олинди. Ҳозир тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

ТЕЗКОР ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИДА

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида истиқомат қилувчи Ҳ. Холбиби туман ИИБга қилган мурожаатида кимлардир уйига тунда кириб, молхонасидан беш бош қўйни ўғирлаб кетганини билдирди.

Мурожаат юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Косон туманида яшовчи А. Умирбой ҳамда Т. Мўмин содир этгани аниқланди ва улар қўлга олинди. Энди уларнинг қилмишига тергов жараёни ойдinлик киритади.



ҚАРИНДОШИГА ТИҒ КЎТАРДИ



Фарғона туманида яшовчи Н. Олим уйига ташриф буюрган қ а р и н д о ш и Қ. Улуғбек билан келишолмай қолди. Улар масалани босиқлик билан ҳал этиш ўрнига

жаҳлга эрк беришди ва тортишув даҳанаки муштлашувга айланиб кетди. Бу ҳам етмагандек, Н. Олим қариндошининг кўкрагига тиг санчди. Оқибатда Қ. Улуғбек шифохонага ётқизилди. Н. Олим эса қилмиши учун жавоб берадиган бўлди.

Айна пайтда ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

▼ *Бир қонун шарофати*

ЎСМИР – МИСОЛИ БИР НИҲОЛ

Юртимизда ёшларнинг юксак маънавиятли ва билимли, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи қонуний механизм яратилган. Мақсадга эришиш учун республика ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, мактаб ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида фаолият олиб боришяпти.

Бу жиҳатдан пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани ИИБда айниқса мактовга арзиғулик ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, туман ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ХПГ ходимларининг хизмат хонаси ҳудуд марказидаги энг катта мактаблардан бирида жойлашгани ҳар қандай кишининг эътиборини тортади.

Гуруҳ инспектори, капитан Бахтиёр Садиловнинг таъкидлашича, ушбу мактабда 25 дан ортиқ миллат вакиллари фарзандлари таълим-тарбия олишади. Илгарилари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар асосан шу ерда содир этилиб турилган экан. Ана шунинг учун ҳам раҳбариятнинг ташаббуси, қолаверса, хизмат тақозоси бевосита болалар билан ишлашга боғлиқлиги боис ходимлар ушбу ҳудудда туриб фаолият кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни мазкур соҳада юқори

натига эришишда дастуруламал бўлиб, ходимлар ишини янада энгиллаштирмоқда. Энг аввало, ҳудуддаги мавжуд маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда Дўстобод шаҳарчасида яшовчи фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтириб борилди. Қайси маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кўп содир этилаётгани таҳлил қилиниб, ўша жойларда ёшларга яратилган шароитлар, мактабларда эса ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ўрганиб чиқилди.

Ана шу таҳлилларга таяниб туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Унда қонун бузилишларига барҳам бериш учун нималар қилиш лозимлиги тақриф тариқасида баён этилди. Соҳа ходимларининг ташаббуси кўллаб-қувватланиб, зарур чоралар кўрилди. Унга кўра, олтига маҳаллада ёшлар бўш вақтларида шуғулланиши учун замонавий спорт майдонлари қуриб берилди. Шунингдек, шу мактаблар қошида фаолият

юритаётган тўғарақларнинг кўлами кенгайтирилиб, ўқувчилар ўртасида доимий равишда турли кўрик-танловлар, мусобақалар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, бола тарбиясига салбий таъсир ўтказётган ота-оналар билан алоҳида суҳбатлар уюштирилди, зарур бўлганлари профилактик рўйхатга олинди.

Туманда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш мақсадида яна бир жиҳатга эътибор кучайтирилди. Маълумки, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий гоё руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масала бўлиб ҳисобланади. Ана шу талаб асосида ходимлар маҳалла раислари, кўчабошилар билан биргаликда ҳар бир хонадонга кириб, фарзандлар тарбиясига қай йўсинда аҳамият қаратилаётгани ўрганилди. Натияжада ҳуқуқбузарликлар содир этаётган «Давомат» тадбирида дарсга келмагани учун рўйхатга олинаётган ёшлардан аксариятининг ё отаси, ё онаси бошқа жойларга вақтинчалик кетиб қолгани, боласи тарбиясини яқинлари, ҳатто қўшиларига ишониб топшириб кетишгани маълум бўлди.

Барча кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлаётган ушбу масалага дахлдор зарур чора-тадбирлар қўлланилди. Хусусан ўсмирларнинг ота-оналари чақиртирилиб, айримлари жиддий

огоҳлантирилди. Ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида эндиликда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши аввалги уч йилга нисбатан кескин камайишига эришилди. Тарбияси оғир сифатида рўйхатга олинган 14 нафар ўсмирнинг келажақда жамиятимизга нафи тегадиган кишилар бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Жумладан, ўқиш даврида улар туман ва вилоятдаги музейларга, томошагоҳларга олиб борилаёпти. Шунингдек, бола қайси ҳудудда яшаса, ўша жойда умргузаронлик қилаётган энг ибратли хонадон ва тадбиркорлиги билан элга танилган кишиларнинг уйларига ташриф бурилиб, уларнинг яшаш тарзи, эришган ютуқлари бўйича болалар иштирокида суҳбатлар, ўзаро мулоқотлар уюштирилмоқда. Шулар қаторида, таътил давларида улар сўлим оромгоҳларга дам олгани юборилапти.

Халқимизда «Боланинг бегонаси бўлмайди», деган гап бор. Чиндан-да, вояга етаётган бола худди ниҳолга ўхшайди. Уни қайси томонга эгсангиз, ўша ёққа қараб кетаверади. Демокчимизки, Қуйи Чирчиқ туманида ходимларнинг бу борада олиб бораётган самарали ишлари натижасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги учун профилактик рўйхатда турувчиларнинг таълим-тарбияси, ўқиши, жамоат жойларида ўзини тутишида катта ўзгаришлар бўлгани учун ҳам яқинда улардан ўн нафари рўйхатдан чиқарилди. Бундан энг аввало, ота-оналар, маҳалла-қўйдагилар миннатдор бўлмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.
Тошкент вилояти.

ЮРТ БОЙЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Темир йўллар – мамлакат иқтисодий-тининг қон томири. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шунингдек, йўловчиларнинг асосий қисми темир йўллар орқали ташилади. Ана шу муҳим тармоқда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, юқларнинг беталафот манзилга етказилишида ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб хизмати бор.



Транспортдаги ИИБ Республика темир йўлларида нефть маҳсулотлари ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони ходимлари нефть маҳсулотлари ортлани вагон-цистерналарнинг белгиланган манзилларга бекаму кўст етказиб берилиши учун масъул ҳисобланади. Хусусан, батальоннинг Самарқанд отряди ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда темир йўлларда нефть маҳсулотлари ташилишини кузатиб, назорат қилиб боришади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Фарғона ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари, Ангрэн, Қоровулбозор ва Олтингургурт нефть куйиш эстакадаларидан маҳсулот юкланган вагон-цистерналарда ўғрилиқ, талон-тароғликларнинг олдини олиш уларнинг зиммасида.

Отряд ходимлари ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келишяпти. Хизмат интизомига, нефть маҳсулотлари юкланган вагон-цистерналарни қабул қилиш, кўриқлаб кузатиб бориш ва уларни топшириш

жараёнларида белгиланган талабларга қатъий амал қилинмоқда. Шу боис йилнинг ўтган даврида кўриқлаб борилган вагон-цистерналарда ўғрилиқ, талончиликлар содир этилмади.

Шу ўринда шахсий таркибнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний чиниқиши учун вазирлик раҳбарияти томонидан берилган кўрсатмалар асосида изчил иш олиб борилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Отрядда ёш ходимларга мураббий этиб шахсий таркиб орасидан хизматда ўрнат бўлаётган, обрў-эътибор қозонган тажрибали ходимлар танлаб олинган. Бу, ўз навбатида, шахсий таркибда маънавий муҳит барқарорлигини таъминламоқда. Сержантлар А. Бегматов ва Ф. Худоёров мураббийлик қилган ёшлар бугунги кунда отряднинг энг илгор ходимларига айланган.

Элёр НОРМАТОВ,
кичик сержант.

Суратда: сержантлар А. Бегматов ва Ф. Худоёров ҳамда сафдор З. Абдуҳакимов кузатилаётган вагон-цистерналарни кўздан кечирмоқда.

ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛИ

хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов бўлинимаси ходимлари ўз хизмат вазифаларини белгиланган қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари доирасида амалга оширишмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 24 та жиноят иши қабул қилиниб, шундан 14 таси якунига етказилган ва судга юборилган. Шу билан бирга, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида жами етти ҳолатда қўшимча жиноятлар аниқланиб, улар марказлашган ҳолда ҳисобга қўйилган.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида урганчлик А. Жалолддин Қоғоз парчасига ўралган марихуана гивҳандлик моддасини темир йўл бекати ҳудудида назорат тариқасида тадбирга жалб қилинган Б. Собировга сотаётган пайтида қўлга олинди. Холислар иштирокида кўздан кечирилганида унинг чўнтагидан марихуана топилди. Тергов ҳаракатлари давомида ушбу жиноятга алоқадор бўлган яна беш нафар шахс қўлга олинди.

Тармоқ ИИБда тергов-тезкор гуруҳининг тўлиқ таркибда воқеа жойига ўз вақтида етиб бориши, гуруҳ аъзоларига жиноятни фош қилишга қаратилган аниқ вазифалар-

нинг тақсимлаб берилиши, жиноятга алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш, жиноят изларини синчковлик билан ўрганиш ва тегишли тартибда ҳужжатлаштириш каби муҳим масалалар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бу ишлар ҳар ой якунида гуруҳ аъзолари иштирокида муҳокама этилиб, билдирилаётган тақлиф ва фикр-мулоҳазалар атрофлича таҳлил қилиняпти.

– Терговчидан юқори касбий билим ва маҳорат, бой ҳаётий тажрибага эга бўлиш талаб этилади, – дейди Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов бўлинимаси бошлиғи, капитан Шухрат Эгамов. – Негаки, унинг зиммасидаги вазифа анча масъулиятли. Содир этилган ҳар бир жиноят терговчи томонидан синчков-

лик билан ўрганиб чиқилиши, ҳар томонлама таҳлил қилиниши, ҳолисона баҳоланиши лозим. Ана шундагина адолат қарор топиб, жиноятчи қилмишига яраша жавобгарликка тортилади.

Жиноят сабабларини жиддий таҳлил қилиш ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бўлинима ходимлари томонидан жойларга юборилаётган тақдимномаларнинг жавоблари ўз муддатида қабул қилиниб, атрофлича муҳокама этилмоқда, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Қолаверса, жойларда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида бўлинима ходимлари ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Ички ишлар вазирлиги фармойишига мувофиқ терговчиларнинг билим савияси ҳамда касбий маҳоратини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ташкил этилган. Бунда суд, прокуратура, адвокатлар палатаси, божхона, солиқ хизмати ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг етакчи мутахассислари қатнашиб, кун тартибидари масалалар бўйича фикр алмашишмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирлар хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этаётгани эътиборлидир.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Суратда: Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов бўлинимаси бошлиғи, капитан Шухрат Эгамов терговчи, катта лейтенант Юлдуз Ҳамдамова билан галдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.



Маърифат ва сиёсий ўқиш

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Демократик кадрятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Коррупциянинг маълум бир давлатда ривожланиши эса охир-оқибат ўша давлатнинг таназзулига олиб келади.

Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъномоҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир.

БМТ олдидан турган энг глобал муаммолардан бири саналган мазкур жиноятчиликка қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Хусусан, 2005 йил декабрь ойида кучга кирган «Коррупцияга қарши» конвенция кенг доирада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилган. Унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизми белгиланган.

Бу иллатга қарши курашни жаҳон талаблари асосида шакллантириш мақсадида, 2008 йил 7 июлда мамлакатимиз БМТнинг «Коррупцияга қарши» конвенциясини ратификация қилди. Шу йили «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши» конвенциясига Ўзбекистон Республикаси қўшилиши тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу конвенция талаблари коррупцияга оид миллий қонунчиликни яна бир бор таҳлил этиш, зарур ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Шунингдек, мазкур Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи

давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланди.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида уни озиклантирадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган ҳар томонлама ва изчил чора-тадбирларни қамраб олади. Коррупция, агар унга қарши доимий кураш олиб борилмаса, кўпайиш, кенгайиш, илдиз отишга мойил бўлган ҳодисадир.

Мамлакатимизда мазкур муаммога қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган мустақам ҳуқуқий база шакллантирилди. БМТ ҳомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг республикамиз томонидан қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Шунингдек, давлатимиз 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Олий Мажлис томонидан эса Жиний даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш коррупцияга қарши курашнинг асосий чоралари бўлиши ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштиришни, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа бўлган ижобий муносабатни шакллантиришни, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни ўз ичига олади.

Коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг му-

ҳим аҳамиятга эга йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимизнинг кўпгина маъруза ва асарларида ушбу иллатга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ислохотлар йўлидаги тўсиқ ва давлатимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид эканлиги уқтирилади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини кадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим».

«Коррупцияга қарши» конвенция кенг доирада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилган.

Мамлакатимизда мазкур иллатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг коррупция домига тушиб қолмасликлари таъминлаш, уларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирларнинг ижроси доимий назоратга олинган. Бу эса, ўз навбатида, республикамизда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаб беради. Бир сўз билан айтганда, айни пайтда мамлакатимизда жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Фақат бу жараёнда юртдошларимиздан ҳушёрлик, огоҳлик ва жиддий масъулият талаб этилади. Шундагина тараққиётимиз янада бардавом, турму-

шимиз эса фаровон бўлиб бораверади.

Маълумки, 2014 йил 14 майда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Албатта, бу қонунни мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш борасида ташланган дадил қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу қонунга мувофиқ, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг белгиланган муддат ичида ўз айбига иқдор бўлиб хабар бериши уни жиний жавобгарликдан озод этади. Бу эса жиноятнинг пайини қирқишга хизмат қилади.

Афсуски, амалдаги жиноят қонунчилигида кўпгина бугун мавжуд бўлган коррупцион қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган. Масалан, маълум бир сиёсий мақсадни амалга ошириш учун яширин маблағлар йиғиш, бирор-бир юқори лавозимга ишга ўтиш учун маблағ ёки бошқа ҳақ тўлашни амалга ошириш, ташкилотларнинг акцияларини тақсимлашда ёки аукционлар ўтказишда таниш-билишчилик қилиш, маълум ҳақ эвазига солиқ ёки божхона тўловларида имтиёзлар яратиб бериш, манфаатдор мансабдор шахслар томонидан ўз таъсир доирасидаги турли хўжалик юритувчи субъектларни ҳимояси остига олиш шулар жумласига қиради.

Жиноятни жазолашдан кўра, унинг олдини олиш, бу борада тегишли профилактик чора-тадбирлар кўриш афзаллиги алақачон исботланган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида жиноятларнинг олдини олиш жиноят қонунининг асосий вазифаларидан бири сифатида бежиз белгилаб қўйилмаган.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатибди. Ўйлашмики, бундай маънавий бузилиш ҳолатига қарши курашда нафақат давлат органлари, балки жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар. Шундай экан, давлат ва жамият, шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари бундай иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашда биргаликдаги ҳаракатига самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади.

Шуниси аёнки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зотан, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим гаровидир.

Бу борадаги курашнинг самарадорлигини кўзлаб мамлакатимизда бир қанча ишларнинг амалга оширилиши, қонунчилик базасининг ишлаб чиқилаётганлиги эътиборга сазовордир. Бу эса, жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил эканидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги миқёсида хизмат интизомини мустақамлаш, ходимлар томонидан жамиятда ўзини тутиш қоидалари ва одоб-ахлоқ принципларига риоя этилишини тартибга солиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланма» ишлаб чиқилган.

Эътироф этишга арзийдиган жиҳатлардан яна бири, ИИВ тизимида мансабдорлик жиноятлари учун ҳам пора берувчи, ҳам пора олувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги огоҳлантирувчи ижтимоий-кўргазмалар, коррупцияга қарши мавзудаги плакатлар тайёрланиб, жойлардаги ички ишлар идораларига тарқатилган. Шунингдек, жисмоний шахслар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун «Ишонч телефонлари» ташкил қилинган. Вазирликнинг интернетдаги веб-сайтида ҳам фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш механизми ишга туширилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши самарали курашиш учун комплекс чора-тадбирларни қўллаш лозим. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти фақат алоҳида олинган коррупционер бўлиши керак эмас. Балки асосий эътибор биринчи галда ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик чораларни кўришга қаратилиши лозим.

Насриддин ИСМОИЛОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент, подполковник.

Қонунчилик тарғиботи

ТАШУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ

ушбу соҳадаги муносабатлар қонун билан тартибга солинди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли ва ўрни тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти тартибга солиш бўйича мустақам қонунчилик тизими яратилган бўлиб, у доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг алоҳида 52-боби, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришга оид кўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги, «Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари суғурта институтининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида давлатимиз томонидан суғурта хизматларининг рақобат бозорини, суғурта фаолиятининг замонавий турларини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек корхона, ташкилот ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий каби турлари амалиётга кенг татбиқ этилган. Бунда ихтиёрий суғурта фуқаро ёки юридик шахснинг хоҳиш-иродаси асосида амалга оширилса, мажбурий суғурта қонунда кўрсатилган шахслар томонидан амалга оширилади ҳамда фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари ва давлат манфаатларига доир суғурта объектларини ҳам қамраб олади.

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда йўловчиларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича суғурта ҳимояси 1993 йилда қабул қилинган «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги Қонун билан таъминлаб келинмоқда эди. Бироқ мазкур қонуннинг алоҳида нормалари замонавий талабларга тўлиқ

жавоб бермай қолди. Яъни, мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва зиддиятларнинг мавжудлиги, йўловчиларни мажбурий шахсий суғурта қилишнинг амалдаги тизими ташишда йўловчига етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашни таъминламаётгани, шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари, шаҳар ичида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари ҳамда бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси доирасида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари учун 50 километр масофагача мажбурий суғурта қўлланилмаслиги, шунга кўра, барча йўловчилар тўлиқ қамраб олинмагани шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қонунда суғурта турини амалга ошириш давлат суғурта органлари, давлат суғурта мубоширлиги (инспекцияси) ва давлат суғурта идораларига юклатилганлиги белгиланган эди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125-сонли қарорига мувофиқ, 1992 йил 31 декабрдаги 605-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотганлиги сабабли, бугунги кунда давлат суғурта органлари мавжуд бўлмай, ўз навбатида амалиётда ушбу қонунни ижро этиш билан боғлиқ муаммолар вужудга келмоқда эди. Йўловчиларни мажбурий суғурта қилиш амалдаги тизими ташишда йўловчига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини кафолати таъминланмаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилнинг 15-16 май кунлари бўлиб ўтган навбатдаги иккинчи ялпи мажлисида «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори билан тасдиқланган 2011–2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва но-банк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг 5-бандига асосан ишлаб чиқилди. Ушбу қонунни қабул қилиниши бугунги кунда юзага келган камчиликларни бартараф этишга ва суғурта бозоридаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида соҳага оид халқаро ҳужжатлар

ва чет эл мамлакатларининг бу борадаги қонунлари кенг таҳлил этилди. Хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳага оид тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига ташувчининг йўловчилар олдида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш механизми қўлланилмоқда. Шунингдек, АҚШ, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, Канада, Япония ва бир қатор МДХга аъзо давлатларда мазкур соҳага оид махсус қонун қабул қилинган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилган.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташишни

амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини кафолатлашдан иборатдир. «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни 6 та боб, 26 моддадан иборат бўлиб, бир қатор муҳим ва асосий қоидаларни ўз ичига олади.

Қонуннинг муҳим жиҳати сифатида ташувчининг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Унга кўра, ташувчи сифатида шаҳар йўловчи транспортида, темир йўл, ҳаво, дарё транспортида ва бошқа транспортларда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва унинг учун махсус рухсатномага ёки лицензияга эга бўлган юридик шахс белгиланди. Бундан ташқари, мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, амал қилиш муддати, суғурта пули, низоларни ҳал этиш тартиби аниқ белгиланди.

Шунингдек, қонуннинг 18-моддасига асосан йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари тўғрисидаги ахборотни ҳамда суғурталовчи ҳақидаги зарур маълумотларни ташувчидан бепул олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам қайд этилди.

Мазкур қонунда, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойили-

дан келиб чиқиб суғурталовчиларга нисбатан алоҳида талаблар белгиланган. Хусусан, суғурталовчи тегишли лицензияга эга бўлиши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишга, ташувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг суғурта товони ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта товонини амалга оширишга ваколатли ўз филиалларига эга бўлишлари лозим. Шунингдек, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишга ҳақли бўлган суғурталовчилар ўртасида суғурта шерикчилигини тузиш тўғрисида ёзма битим тузиш шарт. Ушбу талаб суғурта ҳодисаси содир бўлганда ташувчи, йўловчи ва наф олувчиларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бу каби талаб амалдаги қонунчиликни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйилган. Унга кўра, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, суғурталовчилар тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан ёзма битимлар тузишлари шарт.

Шунингдек, қонунда ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи давлат органлари ҳам белгилаб қўйилди. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу қонун фуқароларга етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашдаги умумдавлат тизимида муҳим аҳамият ва ўринга эга бўлади ҳамда йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни камайтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Қолаверса, ушбу қонун янги иш ўринлари яратилишига, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланишига кўрсатилаётган хизмат сифатининг янада ошишига замин яратади.

Отабек МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари мониторинги
институтининг бош мутахассиси.

Қонуннинг муҳим жиҳати сифатида ташувчининг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Унга кўра, ташувчи сифатида шаҳар йўловчи транспортида, темир йўл, ҳаво, дарё транспортида ва бошқа транспортларда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва унинг учун махсус рухсатномага ёки лицензияга эга бўлган юридик шахс белгиланди.

Ёшлар – келажакимиз эгалари

Жамият ривожининг муҳим омили

Демократик ва фуқаролик жамиятининг тараққиёти, бу йўналишдаги ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаятган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларини намойиш этадиган, унинг азалий орзу-интилишини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».

Ёшларнинг юксак ахлоқ-одобли, ҳар томонлама чуқур билимли, маънан ва жисмонан етук бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар, шу билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонуний механизм яратилди.

Шу ўринда, давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий соҳадаги қабул қилинган илк норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири – 1991 йил 20 ноябрдаги «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**»ги қонуннинг қабул қилинганлиги алоҳида таҳсинга сазовордир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан юксак даражада камол топишига қаратилган давлатнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратди.



Ёшларимиз тарбияси, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иш билан банд қилишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги

қатор қонун ҳамда дастурларнинг қабул қилингани эндиликда ижобий натижаларни бермоқда.

Маълумки, ҳуқуқий тарбия узлуксиз бўлиб, у ёшлиқдан қўлланиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Айтиш жоизки, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий ғоя руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масала бўлиб ҳисобланади. Чунки ижтимоий ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар, ундаги ютуқ ва камчиликлар аввало, оилада ўз аксини топади. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига миллий истиқлол ғояларини, қонун устуворлигини синдириш учун қулай шароит яралади.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кў-

шимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ҳамда «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**»ги Қонунга мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш, мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари, амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг

уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинганлиги ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда йигит-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул



қилинди. Ушбу ҳужжат асосида махсус дастур ҳам ишлаб чиқилиб унинг 53-банди – ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган «Ёшлар ва қонун» тарғибот лойиҳаси доирасида ИИВ Академиясида ҳам қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга йўналтирилган қонунчилик ва ҳуқуқий тарғибот ишлари тизимли равишда олиб борилиши йўлга қўйилди.

Кундузги таълим 4-ўқув курси тингловчиларининг иш ўрганиш амалиёти даврида эса ҳудудий жамловчи ички ишлар идоралари бўйича масъул профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар ҳамкорлигида жойлардаги мактаб, коллеж, лицей, маҳаллаларда тарғибот материаллари, яъни маъруза матнлари, тақдимотлар, кўргазмалар тарғибот воситалари видеороликлар тайёрлаб, ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанаси маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти, «Оила-турмуш доирасидаги содир этиладиган жиноятлар ва уларнинг олдини олиш чоралари» «Ёшларнинг диний-экстремистик

оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда профилактика инспекторларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги», «Одам савдосига қарши курашишда ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги», «Кексаларни қадрланган юрт» мавзуларида ҳамда янги қабул қилинган қонунлар тарғиботига оид «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятига оид мавзуларда иш ўрганиш амалиёти давомида жуда кўплаб учрашувлар ташкил этилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг қонунларни қай даражада билиши билан ҳам белгиланади. Шу боис уларнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларда қонунларга ҳурмат, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини камол топтиришга қаратилган «Ҳуқуқ билимдонлари» ва «Сиз қонунни биласизми?» танловлари ҳам ўзига хос мактаб вазифасини бажармоқда. Буни ушбу танловларда қатнашиб, кейинги фаолиятда ҳар йили ўтказилиб келинаётган Республика талабалар фан олимпиадасининг «Ҳуқуқшунослик» фанларидан 2012 йилдан буён ғолибликни қўлга киритаётган ИИВ Академияси тингловчилари миқолида кўриш мумкин.

Ушбу тадбирларнинг манتيкий давоми сифатида Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг «Олий таълим муассасалари ўртасида «Тафаккур синовлари» танловини мунтазам равишда ўтказиб бориш ҳақида»ги қўшма қарорлари ҳам мақсадга эришишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугун илм-фан сирларини чуқур ўрганаётган ўқувчи том маънода эртанги куннинг етук мутахассиси бўлиши керак. Бунинг учун унда ҳам назарий, ҳам амалий

кўникма ва малакаи шакллантириш талаб этилади. Шу маънода, ўтган йили илк марта ИИВ Академиясида республика Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежи, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги юридик коллеж ҳамда Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчи-ёшлари, мураббийлари билан «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди. Айтиш жоизки, мазкур тадбир мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, баркамол, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим, замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири, келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Фарзандларимиз халқимизнинг асрлар давомида эъзозлаб келган ўлмас қадриятларини қалбига чуқур сингдириши баробарида, дунёнинг энг илғор тафаккури билан танишиш, уни таҳлил этиш ва ўз қарашини эркин баён этиш имкониятига эга бўлиши, соҳадаги ислохотларнинг амалий натижасидир.

Юртимизнинг иқтидорли, интилувчан ва истеъдодли ўқувчи-ёшлари халқро микёсда ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўриктанловлар, спорт мусобақаларида юқори натижаларни қўлга киритаётгани Юртбошимизнинг «**Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт**» деган эзгу ғояси ҳаётда ўз исботини топаётганини кўрсатмоқда.

Асқар ХОЛОВ,
майор.

Саломатлик сабоқлари

Қутуриш вирусли касаллик ҳисобланади. У ушбу хасталикка чалинган ҳайвон тишлаши оқибатида юқади. Касаллик асаб тизимига жиддий зиён етказиб, кўпинча ўлим билан тугайди. Қутуриш вирус сўлакда, шунингдек, кўз ёши ва сийдикда бўлади.

Қутуриш вирус организми кирганидан кейин асаб толалари бўйлаб деярли бутун асаб тизимига тарқалади. Ёввойи ҳайвонлар ҳам, уй ҳайвонлари ҳам ушбу вирус манбаи бўлиши мумкин. Бундай ёввойи ҳайвонларга бўри, тулки, чиябўри, кўршапалак, кемирувчилар; уй ҳайвонларига эса ит, мушук, от, чўчка, йирик ва майда шохли моллар киради. Айниқса, тулкилар ва дайди итлар баҳор-ёз мавсумида хавфли ҳисобланади. Ҳайвонлар ўзларида қутуриш аломатлари намоён бўлишдан 3–10 кун олдин юктириш хусусиятига эга бўлишади. Бу хусусиятни касаллик даврининг охиригача сақлаб қолишади.

Кўпинча қутурган ҳайвонларни оғзидан кўп сўлак ажралиб чиқишидан ва кўзлари ёшланиб туришидан, шунингдек сувдан кўрқидан фарқлаш мумкин. Қутурган жонивор одамни тишлаганда, хасталик юқади. Бундан ташқари, қутурган ҳайвоннинг

сўлаги киши танасининг жароҳатланган қисмига ёки шиллик пардасига тушса ҳам, касаллик юқиши кузатилади.

Касалликнинг инкубацион (яширин) даври (ҳайвон тишлашидан то хасталик юзага чиққунгача бўлган вақт) ўртача 30–50 кунни ташкил этади. Аммо баъзан 90 кунгача, ҳатто бир йилгача ҳам чўзилиши мумкин. Тишлаш ўрни бошдан қанча узоқда жойлашса, инкубацион давр шунча узоққа чўзилади. Айниқса, ҳайвон кишининг бошини ёки қўлини, шунингдек, болани тишласа, хавфли саналади.

Касаллик уч босқичда кечади. Биринчи босқичда бемор умумий ҳолсизланади, боши оғриб, ҳарорати бир оз кўтарилди. Унинг мушаклари оғриб, оғзи қуриб, иштаҳаси пасаяди. Томоғи оғриб, қуруқ йўтал тутади. Кўнгли айниб, қайт қилиши мумкин. Ҳайвон тишлаган жойи ачишиб, қизаради, қичишади, оғрийди, се-

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



зувчан бўлиб қолади. Бемор ўз қобилигига ўралиб олади, овқат ейишдан бош тартади, кўрқувга хавотирга, умидсизликка тушади.

Бир-уч кундан кейин хасталикнинг иккинчи босқичи бошланади. Энди бемор ҳадеб безовталанаверади, қаттиқ хавотирга тушади. Бу босқичга хос энг муҳим аломат – сувдан кўрқиб. Киши сув ичмоқчи бўлганида, кўп ўтмай ҳатто сувни кўрганида, унинг шил-

дирашини эшитганида ҳам ваҳимага тушиб, томоқ ва ҳалқум мушаклари тортишиб қолади. Пишиллаб, қийналиб нафас олади. Томири тортишиб туради. Бемор асабий, жаҳлдор, тажовузкор бўлади. Аъзои баданини тер босиб, сўлак кўп ажралганидан ҳар қадамда туфлаб юради. Ушбу давр одатда икки-уч кун давом этади.

Сўнг учинчи босқич бошланади. Дастлаб бемор хотиржам тарта-

ди. Энди кўрқув йўқолади, сувни кўриб ваҳимага тушмайди, ҳатто тузалишдан умид қила бошлайди. Шундан кейин тана ҳарорати 40–42 даражага кўтарилиб кетади. Кўл-оёқлари ишламай қолади, аклий фаолияти бузилади. Аъзои бадани тортишади. Бемор нафаси сиқиб ёки юраги тўхтаб қолиб ҳаётдан кўз юмади.

Хўш, ит қопиб олса, нима қилиш керак? Биринчи галда тишланган жойни совунлаб ювиб ташланг. Совунлаб ювиш жараёни камида ўн дақиқа давом этиши керак. Жароҳат чуқур бўлса, уни кўпikli сув оқими остида, масалан бир марта ишлатиладиган шприцга совунли сувни тортиб, сўнг ярага сепиб ювинг. Жароҳатни куйдириш керак эмас.

Шундан сўнг зудлик билан энг яқиндаги тиббий пунктга мурожаат этинг. Чунки эмлаш ёрдамида профилактика қилишнинг самарадорлиги шифокорга қанчалик тез ёрдам сўраб мурожаат эти-

шингизга боғлиқ. Имкони борича шифокорга итнинг ташқи кўриниши, хулқ-атвори, бўйинбоғи борлиги, сизни қандай қопиб олгани ҳақидаги маълумотларни етказинг.

Кейин шифокор тайинлаган муолажаларни олиш керак. Эмлаш даврида ва ундан сўнг олти ойгача спиртли ичимлик истеъмол қилманг. Бундан ташқари, эмлаш олаётганингизда ўзингизни чарчатиб қўйманг, совуқсирашдан ёки исиб кетишдан сақланинг.

Эмлаш даврида саломатлигингизни назорат қилиб боринг. Соғлигингиз ёмонлашгани борасидаги барча шикоятларингизни дарҳол шифокорга етказинг, муолажани эса вақтинча тўхтатиб туринг. Беморни невропатолог, терапевт ва рабиолог текшириб, ўзаро маслаҳатлашишганидан кейингизга эмлашни давом эттириш масаласини ҳал қилишади.

Наталья АГАСИЕВА,
ИИБ Марказий
поликлиникаси
врач-инфекционисти.

Хориж тажрибаси

Руминия полицияси республика Маъмурий ва ички ишлар вазирлиги тизимига киради. Ушбу мамлакат полицияси бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилади. Руминия Президентининг сўровига кўра парламент мамлакат полициясининг халқаро полиция операцияларида иштирок этишига рухсат бериши мумкин.

Мамлакат полицияси бир қанча тузилмалардан таркиб топган. Улардан биринчиси Бош инспекторатдир. Мазкур тузилма бошқа барча полиция бўлиналарига умумий раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, ўта муҳим тезкор тадбирларни ҳамда ўз ваколатига кирувчи бошқа ишларни амалга оширади. Унга Бош инспектор раҳбарлик қилади. Бош инспекторат таркибига 22 та соҳа киради. Директоратлар, хизматлар, бўлимлар шулар жумласидандир. Улардан энг муҳимларини санаб ўтаемиз.

1. Фирибгарликларни тергов қилиш директорати. Ушбу дирек-

РУМИНИЯ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

торат молия-иқтисод соҳасидаги жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган. Жиноятлар қишлоқ ҳўжалиги ва озик-овқат ишлаб чиқариш, табиий ресурслар, алоқа ва коммуникация, ўрмон ресурслари, табиий ва қайта тикланувчи материаллар, йўл транспорти, қурилиш, кўчмас мулк, тадбиркорлик ва кооператив жамиятлар, энергетика, хусусийлаштириш, жамоат ташкилотлари, таълим ва бюджет институтлари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, интеллектуал мулк, коррупция, божхона қоидаларини ҳамда валюта қонунчилигини бузиш каби яна кўплаб соҳаларга тегишли бўлиши мумкин.

Директорат таркибида бир қанча махсус хизматлар фаолият кўрсатади. Меросга дахл қилувчи жиноятларга қарши курашувчи, миллий маданий меросни ҳимоя қилувчи, шахсларни миллий ва халқаро қидирувни амалга оширувчи хизматлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, баҳоланган бўлими ва котибият ҳам мавжуд.

2. Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси Фирибгарликларни тергов қилиш директоратининг ваколатига кирмайдиган умумий жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланади.



3. Жиноий айблов директорати Бош инспекторнинг ўринбосарига, айблов йўналишида эса Кассация ва одил судлов Юқори судининг прокуратурасига бўйсуннади.

4. Европа интеграцияси, халқаро ҳамкорлик дастурлари директорати Европа ва Атлантика интеграциясига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қарорларнинг Руминия полицияси Бош инспекторатининг халқаро муносабатларида бир хилда қўлланилишини таъминлайди.

Директорат таркибида куйидаги хизматлар фаолият кўрсатади: – Халқаро алоқалар хизмати (халқаро алоқалар, Европа ва Атлантика интеграцияси масалалари бўйича); – Протокол (Баённомалар) хизмати (халқаро муносабатлар, имплементация, интеграция дастурлари, таржима ва изоҳ масалалари бўйича).

5. Жамоат тартибини сақлаш директорати куйидаги вазифаларни бажаради:

– жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги фаолиятни мониторинг қилиш;



– полиция фаолиятига доир қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

– жиноятлар бўйича комиссия томонидан аниқланган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

– «кўча жиноятчилиги»ни баҳоланган ва бу борада зарур чоралар кўриш;

– соҳавий хизматни такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш;

– шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш мақсадида бошқа тузилмалар, жамоат бошқарувининг марказий органлари билан ҳамкорлик қилиш, жамиятнинг лозим даражада хабардорлигини таъминлаш;

– товарлар ва хизматлар хавфсизлигини мониторинг қилиш, лицензиялар ва рухсатномалар бериш, полиция ходимларининг хатти-ҳаракатларини ва хулқ-атворларини текшириш.

(Давоми бор).

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ибротли ҳикоятлар

МУВАФФАҚИЯТ
СИРИ

— Жаноб, муваффақиятларингиз сири нимада? — сўради журналист машҳур тадбиркордан. — Биламан, саволимга батафсил жавоб бериш учун узоқ гапиришингизга тўғри келади. Агар иложи бўлса, қисқароқ жавоб берсангиз...

— Бу саволингизга бор-йўғи икки-тагина сўз билан ҳам жавоб беришим мумкин.

— Йўғ-е, ўша сўзларни айтинг-чи.

— Тўғри қарор.

— Қандай қилиб тўғри қарорга келасиз. Бунинг омили нима?

— Бунга биттагина сўз билан жавоб қайтараман.

— Қўйсангиз-чи. Хўш нима сўз экан ўша?

— Тажриба.

— Қандай қилиб тажриба тўплайсиз? Бунинг манбаи нима?

Тадбиркор кулимсираб деди:

— Энди тагин иккита сўз ишлатишга тўғри келади.

— Марҳамат, айтинг.

— Нотўғри қарорлар.

ЎРНИДАН ТУРА
ОЛМАЙДИ

Бир шогирд устозидан сўради:

— Агар йўлда кетаётган йиқилиб тушсам нима қилай?

Устози жавоб берди:

— Ўрнингдан туриб, йўлингдан давом эт!

— Яна йиқилиб тушсам-чи?

— Тагин ўрнингдан туриб, йўлингдан давом эт!

— Бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин?

— То тирик экансан бу ҳол такрорланаверади. Фақат ўликларгина ўрнингдан тура олмайди.

ТАҚДИР ВА
ТАНГА

Буюк япон саркардаси Нобунага ўз лашкардан бир неча бор кўп сонли душман қўшинига ҳужум қилишга қарор қилди. Аммо унинг жангчилари галаба қозонишларига шубҳа билан қарашарди. Лашкарбоши йўлда учраган муқаддас қадамжолда тўхтаб, қўшинига юзланиб деди:

— Ҳозир ушбу қадамжони зиёрат қилиб чиққанимдан кейин танга ташлайман. Агар танга давлат рамзи тасвири томони юзага бўлиб ерга тушса, галаба қозонамиз. Мабодо рақам томони юзага бўлиб ерга тушса, мағлубиятга учраймиз. Ҳаммаси тақдирнинг қўлида.

Нобунага зиёратгоҳга кириб, жимгина ибодат қилди. Қайтиб чиққач танга ташлади. Танга тасвир томони юзага бўлиб ерга тушди. Буни кўриб руҳланган аскарлар шахд билан жангга киришди ва осонгина галаба қозонишди.

— Ҳа, тақдир ҳукмини ҳеч ким ўзгартира олмайди, — деди лашкарбошининг хизматкори жангдан сўнг.

— Тўғри айтасан, — деди саркарда тангани хизматкорига кўрсатиб. Унинг ҳар иккала томонига ҳам давлат рамзи тасвири туширилган эди.

Турмуш чорраҳаларида

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонда).

Профилактика инспектори, капитан Юсупов Ҳалимнинг улфатлари билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида улфатлар чойхонада ўтиришгани, Ҳалим яхшигина кайф ҳолатда уйга кетганини, ўша пайтда кўлида икки шиша пиво бўлганини билиб, бу ҳақда терговчига ахборот берди. Терговчи Алимов эса эксперт билан Ҳалимни «Тез ёрдам» машинаси олиб кетган воқеа жойига яна бир марта борди. Атрофни излаб ҳеч қандай пиво идишини ёки шиша синиқларини топа олишмади.

Терговчи касалхонага етиб борганида Ҳалим ўзига келган, укаси билан гаплашиб ўтирган эди.



Буни кўриб қувониб кетди ва саломатлигини суриштириб, саволга тутмоқчи бўлди. Шу тобда хонага даволовчи шифокор Эгамбердиев кириб келди ва:

— Мен сизларга неча марта айтдим, беморнинг кўйинглар деб, унга гапириш мумкин эмас, — дея терговчидан чиқиб кетишини илтимос қилди. — Бир-икки кундан кейин бемалол гаплашаверасиз, анча ўзига келиб қолади, ҳозир уринтириб қўймайлик.

Кейин Ҳалимнинг укасига юзланиб деди:

— Сен ҳам энди уйингга боравер, бу ёғига ҳамширанинг ўзи қарайди.

Алимов палатадан чиқиб кетаркан, негадир шифокорнинг бу ҳаракати унга бироз ғалати туюлди.

Бош шифокор касалхонага кириб келар экан, унга биринчи бўлиб Мастура дуч келди. Саломлик қилгач, ҳамширадан шоша-пиша сўради:

— Беморнинг аҳволи қандай?

— Билмадим, Эгамбердиев мени бошқа палатага ўтказди, — деди Мастура.

— Нималар деяпсиз, нега бундай қилади?!

ИРОДА

Бош шифокор шундай деди-ю, тўғри Ҳалим ётган палатага йўл олди.

Палатада бемордан бошқа ҳеч ким йўқ. Хонани ғалати ҳид қоплаган.

— Эгамбердиевни чақиринглар, — деди бош шифокор бу ҳолатни кўриб.

— Эгамбердиев кеча навбатчи бўлганди, бугун дам оляпти, — деди катта ҳамшира палатага кириб келаркан.

— Унда кунлик муолажа дафтарини олиб келинг.

Дафтарни кўздан кечираркан, фиғони кўтарилиб, палатадан чиқиб кет-

Туман ИИБ бошлиғи терговчи ва эксперт ахборотини эшитаркан, яқин орадаги автомашина устaxonаларидан чироқ алмаштириш учун келганларни суриштиришни, қўшни туман марказига ҳам бориб келишни ташлаб кетганини айтди ва чиқинди идишдан икки-

Кўшни туман марказидаги устaxonада ишлайдиган киши ўн кунлар аввал бир йигит «Нексия»сининг чироғини алмаштириш учун келганини, чироқнинг синган қисмини ташлаб кетганини айтди ва чиқинди идишдан икки-



уч бўлак синиқ шишаларни олиб келди. Эксперт синиқ шишаларни улаб, ҳаммаси бир чироқники эканини аниқлади. Сўнг уста машинанинг давлат рақамини эслаб олмасда, ҳайдовчининг кўринишини аниқ тасвирлаб берди. Машинада яна икки киши бўлганини ҳам кистириб ўтди.

Мансур таксичининг буйруғи билан Ҳалим яна шифохонага келди. Атрофга аланглаб, секин-аста машинасидан тушди. Пакана, миқти бўлгани учун пилдираб бораркан, йўлда терговчига дуч келди. Алимов унинг ортидан кузатиб, машина устаси тасвирлаган одамга ўхшаш деган тўхтама келди ва чеккароғда унинг чиқишини кутиб турди. Ҳалим беш-олти дақиқада чиқиб келди. Ранги ўчган, у нимадандир норози эди. Нималарнидир пичирлаганча «Нексия» машинасига яқинлашди. Терговчи шубҳаси тасдиғини топаётганига амин бўлиб, ИПХ ходимларига хабар берди.

Туман ИИБга олиб келинган Ҳалим даллол аввалига ўн кунлар аввал мол олиб келиш учун қўшни туманга кетгандим,

дея туриб олди. Лекин синиқлари бутланган чироқни кўргач, ранги ўзгарди. Терговчининг «Нима учун чап томондаги чироқни янгиладингиз?» деган саволига мингирлаб нимадир деди, лекин гапига ўзи ҳам тушунмади.

Автохалокат рўй берган куни Ҳалимнинг машинасида бўлган улфатлари ҳам тезда ички ишлар бўлимига келтирилди. Аввалига улар ҳар хил кўрсатма бериб, терговчининг чалғитмоқчи бўлишди. Лекин кўп йиллар шу соҳада хизмат қилиб, катта тажриба тўплаган подполковник Алимов воқеани худди ўзи иштирок этгандай қилиб тасвирлаб берганида уларнинг ўз айбларини тан олишдан бошқа иложлари қолмади.

Улфатлар йиғилиб Холик фермерниқига боришди. У яқинда туман бўйича ўтказилган танловда совринли ўринни эгаллаб, телевизор билан мукофотланганди. Дўстларининг йўқлаб келганидан боши осмонга етган Холик кўрадан бир кўчқорни олиб чиқиб сўйди. Ҳалим машинасида келганига қарамасдан, бир-икки қистовдан кейин кўп ҳам таранг қилиб турмади — ароқ қуйилган пиёлаларни кетма-кет бўшатди. Оқибатда оқ ароқ ўзининг қора қилмишини кўрсатди. Зиёфатдан қайтишаётганларида, қишлоқдан чиқаётган йўлдан чайқалиб келаётган йигитни уриб юборди. Мансурнинг гапи билан уни тезда машинага олишди. Йигитнинг оёқ-қўли синган, шунинг учунми, инграб борди.

— Бу йигит ҳам бизга ўхшаб зиёфатдан келяпти, шекилли.

— Қайтага яхши, қаерга кетаётганини билмайди, — деди Мансур.

Қишлоқдан чиқиб дала-лар бошланган жойга етиб боришгач, йигитни тушириб, йўл четига ётқизишди-да, тезда кўздан ғойиб бўлишди.

Орадан бироз вақт ўтиб, Мансур Ҳалим билан бирга жабрланган йигитни ташлаб кетган жойга борди. Ҳеч ким йўқ. Демак, кимдир уни олиб кетган. Ортага қайтишаётганларида эса Анвар машинасида ўтиб қолди. Машина рақамини эслаб қолган Мансур Ҳалимга «Икки-уч кундан кейин мана шу рақамни айтиб, ички ишлар ходимларини чалғитасан», деди.

...Тўй белгиланган кунда бўлиб ўтди. Ҳаммасидан хабардор бўлган Анварнинг Иродага бўлган меҳри, муҳаббати янада ордди.

Садриддин
ШАМСИДДИНОВ.

Жинойтга жазо муқаррар

Султонмурод (исм-шарифлар ўзгартирилган) анчадан бери ўйлаб юрган режасини амалга ошириши учун яхшигина имконият пайдо бўлди, лекин унда пул йўқ. Камида беш-олти миллион сўм керак. Бунча пулни кимдан, қаердан олади? Ошна-оғайниларидан сўраб кўрди. Бўлмади. Энди нима қилса экан-а? Шуларни ўйлайвериб унинг боши қотди.

Ана шундай пайтда амакиваччаси Тўрамуроднинг кизи вилоят кўрик-танловида ғолиб бўлиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олганини эшитиб ўзини кўярга жой тополмай қолди. Қариндошидан пул ундириш йўллари кидира бошлади. Ниҳоят, ўйлай-ўйлай миясига келган фикрдан қувониб кетди ва Тўрамуроднинг олдида чопди.

– Э, қариндош, бизнинг авлоддан ҳам таниқли кишилар чиқар экан-ку, жиянимнинг ютуғини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, – деди Тўрамуродни бағрига босиб. – Мана, кўрасиз, ўғиллардан кўрмаган роҳатни ана шу қизингиздан кўрасиз. Республика танловида ғолиб чиқса, давлат мукофоти нақд бўлади, ҳатто каттагина пул ҳам беришади.

– Қайдам, омадини берсин, деб ўтирибмиз, – деди Тўрамурод ва қариндошини уй тўрига таклиф этди.

– Қизим, бояқиш тинмай ўқиб, ўрганапти, ишқилиб омадини берсин-да, – деди Тўрамуроднинг хотини дастурхон тузаркан.

– Тошкентда танишим бор, кўнғироқ қилиб, жиянимиз ҳақида гапирдим. Бизда қолиб кетмас, иложини топинг, ёрдам қилинг, дедим. У майли дўстим, бир ишингиз тушибди, келинг, бафуржа гаплашамиз, деди.

олиб кетавераман, сиз кейин у билан ҳисоб-китоб қиласиз.

Тўрамурод шундай оқибатли ва куюнчак қариндоши борлигидан суюниб, ўғлини дўконга юборди, хотинига эса тезда гўшт қовуриб юбор, деган ишорани қилди.

Қариндоши алдовига лаққа тушаётганидан боши осмонга етган Султонмурод янада ишончга кириш учун телефонида ким биландир гаплашиб, эрта-индин албатта, Тошкентда бўламан, деб қўйди.

Орадан уч кун ўтди. Тўрамурод амакиваччасининг пойтахтга бориб келишини интиқлик билан кутди. Султонмуроднинг эшиқдан кириб келишини кўргач эса, қувониб кетди ва хушнудлик билан уни қарши олди. Гўё ҳозир унинг оғзидан қизингиз танловдан ўтди, деган гап эшитадигандай эди. Султонмурод бундан ич-ичидан сезиб, кулиб қўйди.

– Айтганимдай танишимнинг худди ўша танловга алоқаси бор экан, – деди яна тўрға ўтаркан. – Бу ишга фақат сиз учун аралашаман, деди. Икки йил аввал танлов комиссияси аъзоларига уч миллион сўм берганим, ҳозир камида

беш миллион сўм бўлган, деди.

– Майли, қанча бўлсаям, фақат қизим танловда ютса бўлди, – деди Тўрамурод.

– Албатта, ютади. Ишонаверинг, танишим зўр одам.


Тўрамурод қариндошининг ишонч билан айтган бу гапидан кейин янада хурсанд бўлиб кетди ва келаётган яшанба куни соғин сигирини бузоғи билан бирга сотиб, етмаганига қарз олиб Султонмуродга берадиган бўлди.

– Вақт ўтиб республика танлови ҳам якунланади, аммо Тўрамуроднинг кизи унда совринли ўринин эгалла олмайди, – дейди Янгиобод тумани ИИБ терговчиси, катта лейтенант Дилмурод Рустамов. – Қариндошлар ўртасида жанжал бошланади. Султонмурод ҳеч тап тортмай, менга тўхмат қиялган, сендан бир сўм ҳам олмаганман, Тошкентда ҳеч қандай танишим йўқ, деб туриб олади. Чунки Тўрамуроддан олган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган эди.

Тўрамурод қариндошининг фириби тўғрисида ички ишлар идораларига хабар беради. Тергов жараёнида аввалига Султонмурод сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин гувоҳлар, далиллар олдида боши ҳам бўлиб, айбини тан олишдан бошқа иложи қолмади.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Жиззах вилояти.

ҚАРИНДОШНИНГ ФИРИБИ



– Озгина чиқимидан қочмасанглар, мукофот қўлимизда бўлди, деяверинг, – деди Султонмурод овозини пасайтириб.

Тўрамурод ҳеч нарсани тушунмай қариндошига қаради. Султонмурод томоқ кириб олгач, секин муддаога ўтди:

Султонмуроднинг бу гапи гўё отни қамчиланглар дегандай бўлди.

– Қачон Тошкентга бормоқчисан? – дея илтижоли қаради Тўрамурод. – Лекин ҳозирча қўлимизда пул йўқ.

– Унисидан ташвиш тортманг, укам кеча бозорга икита новвосини олиб чикди. Мен ундан бир миллион сўм

Жинойтга жазо муқаррар

«ХОТАМТОЙ» КУЁВ

Меҳри опа оғзидан бол томиб, қўшнисига куёви Жавохирни мақтади.

– Барака топкур, куёвим кеча соғин сигир олиб келди, – деди оғзининг таноби қочиб. – Бир пайтлар танишига ғунажин берган экан, жонивор катта бўлиб, бузоқлабди. Ойижон, сиз бир миллион сўм берақолинг. Сутини сотиб, тирикчилик қиласиз, деди.

– Куёвдан жуда ёлчигансиз-да, – деди қўшни аёл ҳавас қилиб.

– Жавохиржон яна бир одамда сигирим бор, ем-хашакни жамғариб туринг, уни ҳам олиб келаман, деди, – дея яна бир йўталиб олди Меҳри опа.

У айтганидай орадан ҳафта-ўн кун ўтиб, Жавохир яна бир соғин сигирни етаклаб келди.

– Бир сигирнинг сути унча кўп бўлмайди, овора бўлиб бозорга олиб чиққандан кейин мўлроқ бўлиши керак, бундан ҳам сизга олиб келдим, бозор нархини сўрамайман, – деди Жавохир молни охурга боғларкан.


Меҳри опа куёвига раҳмат айтиб, қуюк дуо қилди ва яна бир миллион сўм олиб чиқиб берди.

Жавохир пулни олиб тўғри чойхонага йўл олди. У ерда шериклари кутиб турарди. Кимларнидир сигирини ўғирлаб, қайнанасига арзон-гаровга сотган Жавохирнинг оғзи қулоғида. Яна зиёфат бошланди.

Оқолтин туманидаги «Фарғона» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида одамларнинг қорамоллари изсиз йўқола бошлади. Дастлаб Б. Дилшод-

нинг сигири тунда ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтиб Э. Насибанинг ҳам сигири йўқолди. Кейин эса Бобур номли қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи И. Азиза тонгда сигирини соғиб олишга молхонага бориб, қарахт бўлиб қолди. Говмиши жойида йўқ эди.

– Бу жинойтлар айнан «Фарғона» шаҳарча фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатаётган профилактика катта ин-



спектори, капитан Турдиали Хўжамқуловнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан очилди, – дейди туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, капитан Амиржон Ҳайдаров. – Одатда ҳудудда жинойт содир этилса, бундан биринчи галда профилактика инспекторлари хабар топади. Кейинги пайтда содир этилган жинойтларнинг очилишида профилактика инспекторларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Хусусан, капитан Турдиали Хўжамқулов томонидан бир неча жинойтлар фош этилди.

Капитан Т. Хўжамқулов фуқароларнинг қорамоллар ўғирланган ҳолатлар-

ни ўрганар экан, муқаддам судланган Жавохир ҳамда унинг укаси Жамил, Фарход ва Жамшид исмли йигитларнинг кейинги пайтда юриш-туриши ўзгариб қолганини пайқайди. Улар дўконларда тез-тез айланишадиган, чойхона тўридан тушмайдиган бўлиб қолганди. Профилактика катта инспектори уларни зимдан кузатиб юрди. Натижада Жавохирнинг қўшни қишлоқда яшовчи қайнанасиникига серқатнов бўлиб қолганини ҳам аниқлади. Суриштирса, куёв бола унга бир эмас, иккита сигирни арзон-гаровга сотган экан.

Ўғриликни касб қилиб олган ҳамтовокларнинг охириги нуқтаси мол бозори бўлди. Бозорга «Нексия» машинасида қорамол олиб келинди. Орқа ўриндиқларини олиб ташлаб, қорамол ортиб келганини кўрганлар, эсиз машина, дея ачинди. Бу пайтда профилактика катта инспектори, капитан

Т. Хўжамқулов фуқаро И. Азизани бозорга олиб келганди. Аёл бозорга олиб кирилатган говмишини таниди. Мол ўғрилари шу ерда қўлга олинди. Қолган иккита ўғирланган сигир эса Жавохирнинг қайнанасиникидан топилди.

Шу тариқа «хотамтой» куёвнинг сири очилди. Бировларнинг қорамолларини арзон нархларда сотиб олган Меҳри опа кўни-қўшнисига куёви ҳақида энди нима дейишини билмай, тилини тишлади. Уюшган жинойтчиларнинг қилмиши ошкор бўлиб, сигирлар эгаларига қайтарилди.

С. АБДУЛЛАЕВ.
Сирдарё вилояти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жинойт содир этиб тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Шовқиддин Мусаевич ҲАМРОЕВ.

1962 йилда туғилган. Нарпай тумани Тепакўрғон қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жинойтларни содир этган.



Фаррухжон Мустафоқул ўғли ТОЖИЕВ.

1993 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси К. Ниёзов кўчаси 76-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинойтларни содир этган.



Анвар Раҳматиллоевич ҚУРБОНОВ.

1983 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Тараққиёт кўчаси 2-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинойтларни содир этган.



Шаҳруз Раҳматиллоевич ҚУРБОНОВ.

1985 йилда туғилган. Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Тараққиёт кўчаси 2-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинойтларни содир этган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти ИИБга (0-366) 233-31-30 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ЖИСМОНАН ЧИНИҚТИРИШ ЗАРУР

Кейинги йилларда ички ишлар идоралари ходимларининг жисмонан чиниқишлари, спорт билан шуғулланишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Буни амалга оширишда Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

– Ходимлар белгиланган кунларда спорт машгулотлари билан шуғулланишади, – дейди вилоят «Динамо» ЖТСЖ раиси ўринбосари, подполковник Улуғбек Наврўзов. – Машгулотларни ўтказишда ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигига алоҳида эътибор берилаяпти. Хар бир соҳавий хизматнинг ўзига хос хизматларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида жисмоний тайёргарлик машгулотлари ташкил этилган. Бу ходимларнинг жанговар ва жисмонан чиниқишларига имкон бермоқда.

Лекин бу билан чекланиб бўлмайди. Мақсадимиз ички ишлар идоралари ходимларини жисмонан чиниқтириш экан, улар шуғулланаётган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб туриш ҳам мақсадга эришишда муҳим ҳисса кўшади. Ана шуни ҳисобга олиб, вилоят ИИБ томонидан йил бошидан оқ ўтказиладиган спорт мусобақалари жадвали тасдиқланган ва ҳар бир мусобақанинг юқори савияда ўтишига эришиляпти.

Қайд этиб ўтиш лозимки, бу мусобақаларда вилоятдаги бошқа ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳам фаол иштирок этишади.

Вилоят «Динамо» ЖТСЖда ҳамкорликда тузилган режа асосида жорий йилнинг ўтган даврида бир неча спорт мусобақалари ташкил этилди. Жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ўтказилган мини-футбол бўйича вилоят биринчилигида 22 та жамоа иштирок этди. Мусобақа якунига кўра, «Динамо» ЖТСЖ жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Вилоят ИИБ АВБСО жамоаси ҳамда Зарбдор тумани ИИБ вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Спортнинг волейбол тури бўйича ўтган биринчиликда эса олтита жамоада 72 нафардан зиёд спортчи майдонга тушди.

Бунда вилоят МХХБ жамоаси голиб бўлди, Чегара қўшинларига иккинчи ва «Динамо» ЖТСЖ жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Спорт мусобақаларига аёллар ҳам жалб этилаётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Масалан, апрель ойида аёллар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Шуниси эътиборлики, турнирда ички ишлар идораларида хизмат қилаётган шаходатланган ходимлар билан бирга эркин ёлланиб ишлаётган аёллар ҳам фаол иштирок этишди.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ташкил этилган энгил атлетика беллашуви айниқса, қизиқарли ўтди. 100, 200, 400 ва 1000 метрга югуриш бўйича мусобақада жами 13 та жамоа



иштирок этди. «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан вилоят ИИБ ЁХБ ўйингоҳида соҳавий хизматлар ҳамда шахар-туман ички ишлар бўлимлари шахсий таркиби ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

– Ўндан ортиқ спорт тўғараклари мунтазам ишлаб турибди, – дея қўшимча қилди подполковник У. Наврўзов. – Уларда ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандларидан ташқари ён-атрофдаги маҳаллаларнинг ўсмир ва ёшлари ҳам иштирок этишмоқда. Машгулотларни тажрибали спортчилар, спорт усталари олиб боришади.

Шунингдек, «Динамо» ЖТСЖ томонидан ташкил этилган тўғаракларда иш-

тирок этаётган спортчи-ёшларга яратилган шарт-шароитлар натижасида улар вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Масалан, Навоий вилоятида эркин кураш бўйича ўтган республика мусобақасида иштирок этган ёшлар битта биринчи, иккита иккинчи, битта учинчи ўринни кўлга киритишди. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг таэквондо ITF йўналиши бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам улар фаол иштирок этиб, жами олтита совринли ўринлар соҳиби бўлишди. Спортнинг эркин кураш тури бўйича Сир-

дарё вилоятида ўтган республика мусобақасида эса жаззахлик ёшлар олдига совринли ўринларга эга бўлиб қайтишди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътили давом этаётган айни кунларда жамият томонидан болалар оромгоҳлари, маҳаллалар, мактаблар қошидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Шахар-туман ИИБларида жисмоний тарбия машгулотларининг самарали ўтказилишини таъминлаш мақсадида спорт анжомлари (футбол, волейбол, баскетбол тўплари, шахмат-шашка) ҳамда Бахмал, Зомин, Янгиобод, Фориш туманлари ИИБ терма жамоалари учун спорт кийимлари олиб берилди.

«Динамо» ЖТСЖ жамоаси вилоят ИИБнинг барча хизматлари билан ҳамкорликда шахсий таркибни жисмоний чиниқтириш борасида имкониятларни ишга солиб, қатор тадбирларни амалга оширишни давом эттирмоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Жиззах вилояти.



▼ Универсиада



Куни кеча Жанубий Кореянинг Кванджу шаҳрида талабалар ўртасида XXVIII Бутунжаҳон универсиадаси бошланди. Мусобақаларда 170 давлатдан 12 минг нафардан зиёд талаба спортчи 21 та спорт тури бўйича голиблик учун кураш олиб бормоқда. Қарийб икки ҳафта давом этадиган ўйинларда жами 272 медаллар жамланмаси ўйналади.

Нуфузли мусобақада 31 нафар ҳамюртимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Улар спортнинг академик эшак эшиш, энгил атлетика, таэквондо (WTF), теннис, қиличбозлик, спорт гим-

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

настикаси, бадий гимнастика ва дзюдо турлари бўйича баҳсларда қатнашадилар.

Айни пайтда академик эшак эшиш, теннис, қиличбозлик, спорт гимнастикаси ва дзюдо спорт турлари вакиллари Кванджу шаҳрига етиб боришган. Таэквондочиларимиз эртага Жанубий Кореяга йўл олишса, энгил атлетикачиларимиз эса 9 июль куни Универсиада ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетадилар.

Дунё мамлакатлари олий ўқув юртлари талабаларининг ўзига хос олимпиадаси сифатида

эътироф этиладиган ёзги универсиадага 1959 йилда асос солинган. Дастлабки мусобақага Италиянинг Турин шаҳри мезбонлик қилган. Бир йилдан сўнг қишки спорт турлари бўйича ҳам талабалар ўйинларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон спортчилари ёзги универсиадаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2013 йили Россиянинг Қозон шаҳри мезбонлик қилган XXVII Бутунжаҳон универсиадасида талабаларимиз 2 та олтин, 7 та кумуш ва 10 та бронза медалини кўлга киритган.

▼ Шахмат

ҚОСИМЖОНОВ 40-ЎРИНДА

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) шахматчиларнинг июль ойи учун янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўтган ойдаги нисбатан бир поғона кўтарилиб, 40-ўринни эгаллаган.

Амалдаги жаҳон чемпиони норвегиялик Магнус Карлсен рейтинг пешқадами бўлиб турибди. Унинг ҳисобида 2853 очко бор. Собиқ жаҳон чемпионлари, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамда болгариялик Веселин Топалов бир хил – 2816 очко тўплаган ҳолда, иккинчи ва учинчи ўринларда қайд этилган. Шунингдек, рейтингнинг кучли ўнлигидан Хикару Накамура (АҚШ, 2814 очко), Фабиано Каруана (Италия, 2797 очко), Аниш Гири (Голландия, 2791 очко), Владимир Крамник (Россия, 2783 очко), Уэсли Со (АҚШ, 2780 очко), Александр Гришук (Россия, 2771 очко), Левон Аронян (Арманистон, 2765 очко) ҳам ўрин олган.

Хотин-қиз шахматчилар ўртасидаги рейтингда хитойлик Хоу Ифань 2676 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ундан бир очко кам тўплаган Юдит Полгар (Венгрия) эса иккинчи ўринда. Кучли ушликни Ҳиндистон вакиласи Х. Конеру яқунлаб берган.

▼ Футбол

АҲМЕДОВ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИЛАР САФИДА

Россия футбол иттифоқи ижрокўмининг навбатдаги йигилишида мамлакат премьер-лигасининг яқунланган мавсумидаги энг яхши 33 нафар футболчиси рўйхати тасдиқланди.

Рўйхатда ҳар бир амплуанинг энг яхши уч нафар футболчиси қайд этилди. Эътиборлиси, таянч ярим ҳимоячиларга ҳамюртимиз, «Краснодар» клуби аъзоси Одил Аҳмедов ҳам киритилди. У ортда қолган мавсумда жамоа сафида премьер-лиганинг 26 та ўйинида майдонга тушиб, 2 та голга муаллифлик қилди.



Мавсумнинг энг яхши футболчилари рўйхатидан Одил Аҳмедовнинг Виталий Калешин, Андреас Гранквист, Роман Широков, Павел Мамаев, Ари сингари жамоадошлари ҳам жой олди. Булардан ташқари, кучлилар сафида ЦСКА, «Зенит», «Рубин», «Спартак» жамоаларидан ҳам кўплаб футболчилар бор.

▼ Бокс

РЕКОРД ДАРАЖАДА ФОЙДА КЎРИЛДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 2 май куни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида таникли боксчилар Флойд Мейвезер ва Мэнни Пакьяо ўртасида «аср жанги» дея эътироф этилган баҳс бўлиб ўтганди. Яқинда ушбу жангда қатнашгани учун боксчиларга берилган гонорарлар микдори аниқ бўлди.

Маълумотларга кўра, Флойд Мейвезер 220-230 миллион доллар атрофида маблағга эга

бўлган. Мэнни Пакьяога эса 150 миллион доллар берилган. Бироқ

филиппинлик боксчи бу маблағнинг маълум қисмини промоутори ва промоуторлик компаниясига беришга мажбур бўлган.

Жанг ташкилотчилари рекорд даражада, аниқроғи, 600 миллион доллар микдорига фойда кўришган. Хусусан, чипталар сотувидан 72,9 миллион, телетрансляциядан 400 миллион доллардан кўпроқ пул топишган.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

БУЮКЛАР ҲАЁТИДАН

Бир куни француз ихти- рочиси П. Мопертюн ҳамкасби, математика ва гид- ромеханика бўйича олим Ш. Боссюнинг оғир аҳволда ётганини эшитиб, тезда уни кўриш учун жўнади.

— У ўлим тўшагида ётиб- ди, — деди шифокор кўриш- га рухсат бермай. — Бир оғиз сўз айтишга ҳоли қолмаган.

— Ҳечқиси йўқ, мен бир яхши йўлини биламан, — деди олим ва дўстининг бо- шига бориб баланд овозда сўради:

— Ўн иккиннинг квадрати нечи бўлади?

— Бир юз қирқ тўрт! — бе- мор шундай деди-да нафас олишдан тўхтади.

Машхур немис шифо- кори Рудольф Вир- хов бир куни имтиҳон пайти- да талабадан сўради:

— Қани, айтинг-чи, бундай касаллик аломатлари бор беморга сиз қандай дорилар- ни тавсия қилган бўлардин- гиз?

Талаба саволга у ёқ, бу ёққа олиб қочиб жавоб беришга ҳаракат қилди. Лекин профес- сор бундан қаноатланмади.

— Агар қилган амалларин- гизнинг биронтаси ҳам наф

бермаса, унда қандай йўл ту- тиб, қандай қарорга келар- дингиз?

— Унда менда фақат битта йўл қолади, — деди талаба афсус билан. — Беморни сизнинг олдингизга имтиҳон топширгани юбораман.

«Женерал моторс» фир- маси асосчилари- дан Ч. Кеттерлинг бир куни университет профессорлари- дан бири билан суҳбатла- шаётиб, ундан сўради:

— Жаноб, лекциянгизда нимага ҳаво билан тўлдирил- ган гилдираклар ҳақида ҳеч нарса демайсиз? Ахир, бу энг катта кашфиётлардан бири- ку!

— У ҳақида нимани гапи- риш мумкин? — деди мунг- ли овозда профессор. — Бу- нинг устига ҳозиргача ҳаво билан тўлдирилган гилдирак- лар учун махсус формула ҳам ишлаб чиқилмаган бўлса.

— Шунақами! — ажаблан- ди Кеттерлинг. — Унда сизга битта маслаҳат: гилдираклар- сиз автомобилда бир юриб кўринг. Қачонки, ҳаётда ба- лон ёки формула муҳимлиги- ни билгунча.

Машхур олим, кимёвий элементлар жадвали асосчиси Менделеевнинг хоббиси жомадон яшаб бўлган. Кунлардан бир кун йўловчи билан келаётган из- вошчи манзилга етгач, бир кишини кўриб қолиб, унга ҳурмат юзасидан салом бер- ди. Буни кўрган йўловчи из- вошчидан сўради:

— Сиз саломлашган бу киши ким?

— О! — жавоб берди из- вошчи. — Бу киши машхур жомадон устаси Менделеев бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ўша пайтда Дмитрий Менделеев дунёга танилиб улгурган маш- хур олим эди.

Яна шунга ўхшаш бошқа бир ҳолатда эса бошқа бир йўловчи ҳамма ҳурмат қила- ётган бу кишининг кимлиги- ни билишга қизиқиб, извош- чидан сўради.

— Бу киши кимёгар Мен- делеев бўлади, — деди из- вошчи.

— Унда нега уни қамоққа олишмаяпти? — ҳайрон бўлиб яна сўради йўловчи. Унинг бундай ажабланганига сабаб, ўша пайтда «кимёгар» сўзи «фирибгар» сўзи билан сино- ним тарзда қўлланарди.

▼ Шунақаси ҳам бўлади

ТАВБА-ТАЗАРРУНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Саксон ёшли америкалик пенсионер 70 йил аввал содир этган виждонсизлиги учун кечирим сўраш мақсадида АҚШнинг Юта штатининг Солт-Лейк-Сити шаҳрига келди. Ўшанда у ўртоғи билан овқатлангани рес- торанга киради. Кейин ёнларида пуллари йўқлиги сабабли тушлик ҳақини тўламас- дан қочиб қолишади. У етмиш йил давомида виждон азобида қийналади. Ниҳоят ёши бир жойга борганда қарзини узиш учун қизи билан ўша ресторанга келади. Ўзи воқеа қандай яқун топишини кутиб машинасида ўтириб туради. Қизи эса масалани ҳал қил- гани ичкарига кириб кетади.



Болалар ресторандан бор-йўғи бир дол- лар қарздор эдилар. Қариянинг қизи ўтган давр ичида пулнинг қадрсизланиш даража- сини ҳисобга олиб, ресторан маъмурияти- га беш доллар таклиф этади. Аммо улар ҳозирда ресторан эгалари ўзгарганлигини рўқач қилиб, пулни олишдан бош тортиша- ди. Рестораннинг янги хўжайини шунга қарамай чолнинг узрини қабул қилишини билдирди. Ҳатто ресторанда овқатланишга таклиф қилди. Фақат бу сафар тамадди ҳақини тўламай қочиб кетмасин деб оғоҳ- лантирди.

МУҲАББАТ ЙЎЛИДАГИ ЖИНОЯТ



Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрилик қиз уйининг томи устида кўтарилган шовқиндан уйғониб кетди. Деразадан қараса, уйи усти- да вертолёт муаллақ турибди. Вертолётда учиб келган севгилиси эса уй устида атир- гул сочаяпти. Ҳамма ёқни атиргул қоплаган. Илгари қиз томонидан севгиси рад этилган ошиқ йигит шунча гул сотиб олишга пули етмагани учун икки марта талончилик со- дир этган экан. Одил судлов муҳаббатни йи- гитнинг қилмишини оқловчи сабаб сифати- да қабул қилмади ва айбдорни озодликдан маҳрум этди. Энди севгилисининг муҳабба- тига тан берган қиз ундан хабар олгани қамоқхонага қатнапти.

Хорижий ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Навоий вилояти ИИБ раҳба- рияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Хатирчи ту- мани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Анвар Раджабовга падари бузруквори **РЎЗИ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби «GM Uzbekistan» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси маҳсулотларини ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш бўйича махсус милиция батальони Самарқанд темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича учинчи отряд милицио- нери, сафдор Ҳасан Мустафоевга падари бузруквори **ҲАФИЗ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КҮЙ

Биринчи навбатда ўзингизнинг нима хоҳлашингизни тўлиқ тушуниб етинг. Шундан кейингина бошқаларга маслаҳат бер- сангиз ярашади. Оилавий муаммоларингизни ҳал этишга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг бошида асаббузарликларга дуч келишингиз мумкин. Лекин келишмовчиликларни тез орада ҳал этасиз. Ҳафтанинг охири мулоқотга киришиш ва хизмат фаоли- тингиз бўйича ҳужжатлар устида ишлаш учун қулай пайт.



СИГИР

Эҳтиросларга берилсангиз, ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Ҳозир сал нарсага ҳам ранжийвера- сиз. Бундан кимдир фойдаланиб кайфиятингизни бузи- ши эҳтимолдан холи эмас. Тинч-хотиржам бўлиш учун ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишни ўрганинг. Атрофингизда юз берадиган барча воқеа-ҳодисаларни ҳам юрагингизга яқин ола- верманг. Ҳар қандай вазиятда ҳам оқилона йўл тутинг.



ЭГИЗАКЛАР

Ушбу ҳафтада энг яхши жиҳатларингизни намоён эта- сиз. Бу эса сиз учун фойдадан холи бўлмайди. Ҳафтанинг бошида ҳаёлингизда янги гоғлар, фикрлар туғилади. Қатъ- ият билан ҳаракат қилсангиз муваффақиятга эришасиз. Бошлаган ишларингизни охиригача етказинг. Бу вақтда одамларни яхшироқ англаб етасиз, уларнинг ҳақиқий ниятларини тушуна- сиз. Бу мақсадларингизни амалга оширишда сизга қўл келади.



ҚИСКИЧБАҚА

Ушбу ҳафтада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳатто судга ишингиз тушиши мумкин. Ёки шунчаки ҳужжатлар расмийлаштиришингизга тўғри келар. Буларнинг барчаси молиявий аҳволингизга тааллуқли бўлади. Ҳойнаҳой, илгариги қандайдир қилмишингиз учун энди жавоб бериш вақти кел- ган бўлса керак. Бунинг оқибатида моддий зарар кўриб, бир оз аса- бийлашасиз.



АРСЛОН

Ҳафта давомида айрим кўнгилсизликларга дуч келасиз, нималардандир ҳафсалангиз пир бўлади. Ҳафта бошида эътиборсизлигингиз, эҳтиётсизлигингиздан фойдаланиб, сизни алдашлари, чув туширишлари мумкин. Ҳафтанинг ўрталарида хафа бўлиб қолишингиз, ҳатто умидсизликка тушишин- гиз эҳтимоли бор. Сабр қилсангиз, ушбу ҳолатингиз ўз-ўзидан, тинч- гина ўтиб кетади.



ПАРИЗОД

Моддий аҳволингизни яхшилаб олиш пайти келди. Шу пайтгача анчагина ишларни бажариб кўйдингиз. Шунинг учун олдингизда янги имкониятлар эшиклари очилади. Мўмайгина даромад орттиришингиз мумкин. Ҳафта охи- рида тўғри қарор қабул қилишга жуда қийналасиз. Бу пайтда ютқ- лардан эсанкираб қоласиз ҳамда воқеалар ривожига аралашмай- сиз. Балки, шундай қилганингиз ҳам бир ҳисобдан тўғридир.



ТАРОЗИ

Раҳм-шафқатли бўлинг. Кўмакка муҳтож бўлганлардан ёрдамнингизни аяманг. Ўз манфаатларингиздан воз ке- чиб, ўзгаларга яхшилик қилишдан маънавий қониқиш ҳосил қиласиз. Натижада кайфиятингиз кўтарилиб кета- ди. Эзгулик қилиш чоғида гина-кудуратларни унутинг. Бо- шқаларни илгариги қилмишлари учун ҳадеб қоралайверманг. Шунда хайрли ишларни қилишингиз бесамар кетмайди.



ЧАЁН

Кайфиятингиз тез-тез ўзгариб туради. Бу эса атрофингиз- дагилар билан муносабатларингизга салбий таъсир кўрсата- ди. Ўзингизнинг бундай ҳолатингизни бошқалар тугул, ҳатто ўзингиз ҳам тушунишингиз қийин кечади. Эсингизда бўлсин: бир вақтнинг ўзида ҳам ақл-идроққа, ҳам ҳис-туйғуларга таъ- ниб иш кўриш мушкул. Улардан бирини танлагунигизча бутун ҳафта давомида безовта бўлиб юрасиз.



ЁЙ

Бошқаларнинг муваффақиятига, айниқса, молиявий соҳадаги ютуқларига ҳасад қилманг. Моддий бойликлар- га қўл бўлманг, мол-дунёга ҳирс қўйманг. Бошқалар ҳисо- бига бойлик орттиришга ҳаракат қилманг. Бундай нуқтаи назарни оқлашга ҳам уринманг. Бу сизга ярашмайди, шаънингизга тўғри келмайди. Маслаҳатимиз, ижтимоий аҳволингизни ҳалол йўл билан яхшилашга интилинг.



ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Авва- ламбор, бу ўзгаришлар ҳаётга ва атрофингиздагиларга нис- батан қарашларингиз ва муносабатингизга тегишли. Турму- шингиз аста-секин яхшилана бошлайди. Муаммолар ҳал бўлиб боради. Қувончли воқеалар юз беради. Фақат бундан кейин қайси йўналишда ҳаракат қилишни билмай қийналасиз. Ақл-идроқин- гиз ҳам, ички сезгингиз ҳам ёрдам бера олмайди.



КОВҒА

Ўзингиздан фахрлансангиз арзийди. Чунки ушбу ҳафтада ҳақ-ҳуқуқларингиз учун курашасиз, ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қила оласиз. Иш фаолиятингизда кўпгина натижаларга эришасиз. Ҳужжатлар билан боғлиқ барча расмий ишларда омад сиз томонда бўлади. Хизмат фаолиятингизда янги им- кониятларга эга бўласиз. Ҳаддан ташқари орзуларга берилувчансиз. Лекин уларга етиш йўлини ҳар доим ҳам билaverмайсиз.



БАЛИК

Ҳафтанинг бошида қаттиқ ишлашингизга тўғри кела- ди. Чунки ҳаётда ўз ўрнингизга эга бўлиш учун кураша- сиз. Охир-оқибат ижобий натижаларга эришасиз. Меҳна- тингиз орқасидан моддий аҳволингизни ҳам яхшилаб ола- сиз, шунинг учун руҳий хотиржамликка эришасиз. Кунт билан ишлашдан ташқари сабр-тоқатли бўлишингиз ҳам зарур. Шундагина кўзлаган марраларингизни эгаллай оласиз.